10
Гос. книжная палата УССР
13 ДЕК 1982
ПОЧТА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ИЙЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

15 ДЕКАБРЬ, 1982 ЙИЛ, ЧОРШАНБА № 285 (2.691).

Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИЛАН СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ «ХАЛҚ ХУЖАЛИК ЮКЛАРИ ВА ПАССАЖИРЛАР ТАШИШНИ ПЛАНЛАШТИРИШНИ, ТАШКИЛ ЭТИШНИ ЯХШИЛАШ ҲАМДА ТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ИШИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ХУЖАЛИК МЕХАНИЗМИ ТАЪСИРИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА» ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

Қарорда транспорт корхоналари ва ташкилотлари иши самарадорлигини ошириш ҳамда халқ хўжалиги ва аҳолига транспорт хизматини яхшилашни таъминлаш мақсадида транспортга планли равишда такомиллаштириш юзасидан бир қанча тадбирлар кўзда тутилади. «Планлаштиришни яхшилаш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга хўжалик механизми таъсирини кучайтириш тўғрисида» КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети 1979 йилнинг 12 июлида қабул қилган қарорнинг асосий қоидалари транспорт айрим турларининг хусусиятларини ҳисобга олиб шу транспортга жорий этилади.

Қабул қилинган қарорда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Госплани, СССР Госснаби, СССР Фан ва техника давлат комитети СССРнинг транспорт ҳамда бошқа манфаатдор министрликлари ва идоралари билан иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари зиммасига планларни ишлаб чиқиш чоғида ташишни комплекс планлаштиришни ҳамда мамлакатнинг транспорт системасини ривожлантиришни, транспортнинг моддий-техника базасидан энг кўп самара билан фойдаланишни, халқ хўжалиги билан аҳолининг юк ва пассажирлар ташишга бўлган талаб-эҳтиёжлари мутаносиблигини ҳамда транспорт барча турларининг ташиш қобилияти ривожлантирилишини, маҳсулотни ташишга кетадиган энг кам ҳаражатлари ҳисобга олиб, уларни етказиб бериш юзасидан оқилона хўжалик алоқалари ўрнатилишини, транспорт турлари ўртасида юк ва пассажир ташишнинг оқилона тақсимланишини, фан ва техника тараққиёти ютуқларининг транспортда кенг жорий этилишини, транспорт корхоналари ва ташкилотларининг меҳнат унумдорлигини ва халқ хўжалиги ҳамда аҳолига транспорт хизмати сифатини оширишга, асосий фондлардан, моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан самарали фойдаланишга, ёқилғи, электр энергия, материалларни тежаб-тергаб сарфлашга, нобудгарчиликларни ва унумсиз харажатларни тугатишга, ҳаракат составининг, транспорт системасининг ўтказиш ва ташиш қобилияти зарур резервларини вужудга келтиришга ҳамда унинг ишидаги пухталикни оширишга қаратилган эксплуатацион фаолиятини яхшилашни таъминлаш вазифасини юкладилар.

Қарорда транспортнинг ҳамма турлари учун беш йиллик планларидаги кўрсаткичлар ва иқтисодий нормативларнинг кўпчилигини унификациялаш кўзда тутилган, бир қанча кўрсаткичлар бўйича транспорт айрим турлари ишининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш беш йиллик планларида СССР транспорт министрликлари ва иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига (умумфойдаланадиган дарё ва автомобиль транспорти соҳасида) қуйидаги кўрсаткичлар (йилларга тақсимлаб) тасдиқланади:

а (Темир йўллар министрлигига, Денгиз флоти министрлигига. Граждан авиацияси министрлигига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига) умумфойдаланадиган дарё ва автомобиль транспорти соҳасида;

юк ташиш соҳасида—халқ хўжалик юкларини ташиш (жўнатиш) умумий ҳажми тонна ҳисобида (Граждан авиацияси министрлигидан ташқари), шу жумладан Темир йўллар министрлиги бўйича белгиланган номенклатурада алоҳида муҳим юкларни ташиш (жўнатиш) ҳажми: универсал ва махсус контейнерларда ҳамда пакетланган ҳолда ташилган (жўнатилган) юкларнинг умумий ҳажми тонна ҳисобида; пассажир обороти (Денгиз флоти министрлиги ва иттифоқдош республикалар дарё транспорти бошқарув органларидан ташқари; Денгиз флоти министрлиги бўйича харажатлари чегириб ташлаб чет эл юк ташишидан олинадиган даромадлар;

капитал қурилиш соҳасида — ишлаб чиқариш қувватларини ва энг муҳим объектларни ишга тушириш, шу жумладан мавжуд корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкциялаш ҳисобидан қувватларни ошириш; умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларини ва маҳаллий ҳаво линияларида учиш-қўниш полосаларини фойдаланишга топириш (иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига);

моддий техника таъминоти соҳасида — ҳаракат составининг асосий турларини, кемалар ҳамда бошқа моддий техника ресурсларини етказиб бериш ҳажми;

б (Темир йўллар министрлигига, Денгиз флоти министрлиги ва Граждан авиацияси министрлигига:

меҳнат ва социал ривожланиш соҳасида — натура ҳолидаги кўрсаткичлар (ёки даромадлар) юзасидан ҳисобланган меҳнат унумдорлиги топшириғи; ишчи, ва хизматчилар сонининг лимити; меҳнат унумдорлигини планлаштириш учун қўлланиладиган кўрсаткич бўйича маҳсулот бирлигига иш ҳақи умумий фонди ёки иш ҳақи нормативи; моддий рағбатлантириш, социал—маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фондларини ташкил этиш умумий миқдорлари ва нормативлари;

молия соҳасида — фойда, юк ташиш таннархи, бажарилган ҳар бир сўмлик ишга моддий харажатлар (пул ҳисобида) лимити энг юқори даражаси;

капитал қурилиш соҳасида — асосий фондларни ишга тушириш; давлат капитал маблағлари ва қурилиш-монтаж ишлари лимитлари, шу жумладан ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш харажатлари; ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондини вужудга келтиришнинг умумий миқдорлари ва нормативлари;

янги техникани жорий этиш соҳасида — фан-техника программаларини бажариш, янги техникани, юк ташиш ва пассажирларга хизмат қилишнинг янги юксак самарали технология жараёнларини ўзлаштириш ва жорий этишга доир асосий топшириқлар; тармоқ техникавий даражисининг асосий кўрсаткичлари; Денгиз флоти министрлигида фан ва техникани ривожлантиришнинг ягона фондини вужудга келтириш нормативлари;

моддий-техника таъминоти соҳасида— ёқилғи ва электр энергия сарфлаш нормаларини ўрта ҳисобда камайтириш топшириқлари.

СССРнинг транспорт министрликлари ва иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари учун йиллик планнинг беш йиллик тегишли йилига тасдиқланган топшириқларни конкретлаштирувчи, айрим ҳолларда эса уларга аниқлик киритувчи кўрсаткичлар ҳам белгиланди.

СССР транспорт министрликларига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига (умумий фойдаланишдаги дарё ва автомобиль транспорти юзасидан) транспорт турлари бўйича моддий-техникавий ресурсларни, бошқа кўрсаткичлар ва нормативларни ҳисоб-китоб қилиш учун зарур бўлган юк обороти ҳажмини, шунингдек бевосита аралаш катновда юкларни тонна ҳисобида ташиш (жўнатиш) ҳажмини, қўл меҳнатини қисқартириш топшириғини тасдиқлаш. Темир йўллар министрлигига нефть ва нефть маҳсулотларини жўнатадиган магистрал қувурларнинг иш ҳажмини, Темир йўллар министрлигининг тармоқлараро саноат темир йўл транспорти орқали тонна ҳисобида ташиладиган (жўнатиладиган) юкларнинг ҳажмини, юк вагонининг ўртача оборот вақтини (беш йиллик ва йиллик планларда) ҳамда Темир йўллар министрлигига ва Денгиз флоти министрлигига экспорт-импорт юкларн ташишнинг умумий ҳажмини (йиллик планларда) тасдиқлаш СССР Госплани топширади.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари умумий фойдаланишдаги дарё ва автомобиль транспортини бошқарувчи республика органларига беш йиллик ва йиллик планларда меҳнат ва социал ривожланиш, молия ва янги техникани жорий этиш кўрсаткичларини, шунингдек шаҳарларда қатновчи умумий фойдаланишдаги дарё транспорти, пассажир обороти ҳажмини ва автомобиль транспорти пассажир обороти ҳажмини тасдиқлайдилар.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари умумий фойдаланишдаги дарё транспортини бошқарувчи республика органларига беш йиллик ва йиллик планларда белгиланган номенклатурадаги юкларни тонна ҳисобида ташиш (жўнатиш) ҳажмини ҳамда умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортини бошқарувчи республика органларига тонна ҳисобида юк ташиш (жўнатиш) ҳажмини юк жўнатувчи министрликлар ва идоралар бўйича СССР Госплани билан келишиб тасдиқлайдилар.

Халқ хўжалигига транспорт хизмати сифатини ошириш мақсадида қарорда СССРнинг транспорт министрликлари ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари (умумий фойдаланишдаги дарё ва автомобиль транспорти бўйича) беш йиллик планларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш вақтида юкларни элтиб беришнинг норматив муддатларини қисқартиришни кўзлаб, уларни қайта кўриб чиқишлари зарур деб топилди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш халқ хўжалигидаги транспорт чиқимларини камайтириш ва транспорт-иқтисодий алоқаларни яхшилаш билан боғланган. Шу масалалар юзасидан қарорда конкрет топшириқлар берилган.

СССР Госснабига 1984 йилдан бошлаб тайинланган станцияга етказиб бериш шарти билан нархлар қўйилган маҳсулотни ташишнинг транспорт харажатларини қоплайдиган «Союзглавснабсбитларга юк ташиш транспорт харажатларининг ҳажмини тасдиқлаш, бунда мазкур ташкилотларнинг иқтисодий рағбатлантириш фондларига ажратмалар шу харажатларнинг қисқартирилишига боғлиқ қилиб қўйилиши лозимлигини назарда тутиш таклиф қилинди.

СССР Госплани, СССР Госснаби, СССР Нархлар давлат комитетига, СССР Молия министрлигига ва СССР Марказий Статистика Бошқармасига 1985 йилдан бошлаб халқ хўжалигидаги транспорт чиқимларини ҳисобга олиш ва планлаштиришни ташкил этиш топширилди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети СССР министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари зиммасига беш йиллик ва йиллик планларни ишлаб чиқиш вақтида транспорт-иқтисодий алоқаларни янада такомиллаштиришни, ноўрин юк ташиш ҳажмини қисқартиришни, транспортнинг янги турларини жорий этишни, юкларни транспорт турларига иқтисодий асосланган тарзда тақсимлашни, энг яхши транспорт корхоналари ва ташкилотларининг илғор иш методларини жорий этиш асосида ташиш жараёнини ташкил этишни такомиллаштиришни кўзда тутиш вазифасини юклади.

Транспортда меҳнат унумдорлигини ўстиришни жадаллаштиришдан ва кадрларнинг қўнимсизлигини қисқартиришдан меҳнат коллективларининг манфаатдорлигини ошириш учун ҳар бир ходимнинг ва умуман меҳнат коллективларининг иш ҳақи меҳнат унумдорлигини оширишга ҳамда транспорт корхоналари ва ташкилотлари иши пировард натижаларини яхшилашга боғлиқлигини кучайтириш кўзда тутилади.

Транспорт корхоналари ва ташкилотларига белгиланган иш ҳақи фондига ёки иш ҳақи нормативига нисбатан иш ҳақи фондининг тежалиши ҳисобига:

алоҳида масъулиятли ишлар билан шуғулланувчи малакали ишчиларга, юксак профессионал маҳорати учун — босқичма-босқич (корхонадаги узлуксиз иш стажини ҳисобга олиб) берилган разряд (оклад) тариф ставкасининг 4, 8, 12 процент миқдорида;

Инженер-техник ходимларга ва аввало мастерларга, шунингдек хизматчиларга юқори малакаси учун — окладининг 30 процентигача миқдорда, транспорт воситалари ҳаракати билан бевосита боғлиқ бўлган мутахассисларга (СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ҳамда ВЦСПС билан келишиб транспорт министрликлари ва идоралари томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ), технологлар ва конструкторларга — окладининг 50 процентигача миқдорида транспорт корхоналари ва ташкилотлари иш ҳақи фондининг бир процентигача бўлган миқдорда тариф ставкалари ва окладларига устама (қўшимча) ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилди.

Иш кўрсаткичлари ёмонлашган тақдирда мазкур устамалар бекор қилинади.

СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетига транспорт министрликлари ва идоларига ВЦСПС билан келишиб ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида илғор, техникавий жиҳатдан асосланган нормалар асосида ишлаган тақдирда 20 процентгача оширилган расценкаларни жорий этишга ҳамда зарур ҳолатларда транспорт турлари бўйича ишчиларга иш ҳақи фондидан тўланадиган мукофотларнинг максимал миқдорларини оширишга рухсат этиш ҳуқуқи берилди.

СССРнинг транспорт министрликларига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига бошқарувнинг ҳамма погоналарида хўжалик ҳисоби янада ривожлантирилишни таъминлаш топширилди.

Иқтисодий рағбатлантириш фондлари транспорт корхоналари ва ташкилотларининг ишидаги сифат кўрсаткичларига боғлиқ равишда вужудга келтирилади.

Беш йиллик планда (йилма-йил тақсимланиб) ва йиллик планларда белгилаб қўйилган рағбатлантириш фондларига транспортнинг тегишли турлари учун белгиланган баҳо бериш кўрсаткичларининг бажарилишига қараб тузатишлар киритилади.

Транспорт корхоналари ва ташкилотлари беш йиллик планнинг навбатдаги йил учун белгиланган топшириқларидан ортиқ мукофот планлар қабул этиб бажарганлари тақдирда иқтисодий рағбатлантириш фондларига шу ошириш учун юқори нормативларга мувофиқ маблағ ажратиш кўзда тутилди.

Транспорт корхоналари ва ташкилотлари моддий рағбатлантириш фондидан ва иш ҳақи фондидан аввало сифат кўрсаткичлари яхшиланганлиги ва тонна ҳисобида юк ташиш (жўнатиш) плани бажарилганлиги учун, шу жумладан юкларнинг белгиланган нормативи юзасидан, социалистик мусобақа натижаларини ҳисобга олиб рағбатлантириш мақсадида мукофот берадилар.

Иқтисодий рағбатлантириш фондларининг маблағларидан фойдаланишнинг конкрет йўналиши транспорт корхоналари ва ташкилотлари маъмурияти томонидан касаба союз комитетлари билан биргаликда белгиланади. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, шунингдек социал-маданий тадбирлар, уй-жой қурилиши ва моддий рағбатлантириш маблағларидан фойдаланиш масалаларини муҳокама қилиш ва ҳал этишда меҳнат коллективлари актив қатнашадилар.

Мазкур фондларнинг маблағларидан аниқ белгиланган мақсадларда фойдаланилади. Фондларнинг фойдаланилмаган қолдиклари навбатдаги йилга ўтади ва чегириб ташланмайди.

Қарорда СССР Марказий статистика бошқармаси зиммасига СССР Госплани билан келишиб, СССРнинг тегишли транспорт министрликлари ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари таклифларига биноан давлат статистика ҳисоботига, СССР Молия министрлиги билан СССР Марказий статистика бошқармаси зиммасига эса бухгалтерия ҳисоб-китоби ва ҳисоботига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришларни киритиш вазифаси юклатилди.

СССР Госплани, СССР Госснаби, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетига, СССР Нархлар давлат комитетига, СССР Молия министрлиги, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат арбитражида, СССР Юстиция министрлигига, СССР Марказий статистика бошқармасига ва ВЦСПСга транспорт министрликлари ва идоралари иштирокида ушбу қарорда кўзда тутилган топшириқларни бажариш учун бир қанча норматив актларни ишлаб чиқишни таъминлаш ва зарур тайёргарлик ишини ўтказиш топширилди.

МЕҲНАТДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИГА ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИГА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ВЦСПС ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Республика меҳнаткашлари Ватанимиз тарихидаги шонли сана — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини тантанали кутиб олмоқдалар. Шонли санани нишонлаш юзасидан ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларига кўра, бошқа иттифоқдош республикалар қатори Ўзбекистон ССР ҳам КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғи билан мукофотланганлиги, бу байроқ доимий сақлаш учун республикада қолдирилганлиги тўғрисидаги хушхабар республика меҳнаткашларни айниқса, қувонтирди. Юбилейни меҳнатда салмоқли туҳфалар билан кутиб олган Тошкент области билан Тошкент шаҳри кўчма Қизил байроқларга сазовор бўлдилар. Калинин районн, пойтахт области ва Тошкент шаҳрининг ўн тўққизта саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги коллективи ҳам Бутуниттифоқ мусобақасида ғолиб деб топилди.

Тошкент областига ва шаҳрига Қизил байроқларни топширишга бағишланиб 14 декабрь куни тантанали митинг ўтказилди. Унда саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг илғорлари, фан ва маданият арбоблари, партия, совет жамоат ташкилотларининг намояндалари қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов давомли қарсаклар остида кўчма Қизил байроқларни областга ва шаҳарга топширди. У тошкентликларни юксак мукофот билан самимий табриклади, уларга меҳнатда янги муваффақиятлар тиледи.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусаҳонов. Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров. Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари К. Б. Мамедов. Главташкентстройга қарашли «Жилстрой» трести бригадири В. А. Демидов. Янгийўл пойабзал фабрикасининг бичувчиси Б. М. Мирҳамитова. Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг раиси М. П. Пўлатов. СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг созловчиси М. Ш. Туробов. Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз сут согувчиси Г. Жиянбоева республика, область ва шаҳар меҳнатчиларини мамлакат экономикаси ва маданиятини янада юксалтиришга қўшган ҳиссасига юксак баҳо берилганлиги учун партия билан ҳукуматга чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор этдилар.

Нутқларда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, беш йиллликнинг иккинчи йили Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришилган муваффақиятлар — ишчилар, колхозчилар, зиёлилар қилган фидокорона меҳнатнинг натижасидир, партия ташкилотлари, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органлари зўр ташкилотчилик ва идеология ишининг, экономикага, халқ хўжалигининг барча тармоқларига раҳбарлик қилиш савияси ўсганлигининг натижасидир.

Барча совет кишилари каби пойтахт области ва Тошкент шаҳрининг меҳнаткашлари ҳам СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллигини зўр сиёсий активлик ва меҳнат жўшқинлиги вазиятида, Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашиб кутиб олмоқдалар, дейишди нотиқлар. Область ва шаҳар меҳнатчилари Ленин партияси ишига астойдил содиқ эканликларини изҳор этиб, унинг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан маъқуллаб ва қўллаб-қувватлаб, бунёдкорлик ишларининг партия XXVI съезди белгилаб берган тарихий программасини, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли бажаришга азму-қарор берганлар. Улар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини бундан буён ҳам сабот билан оширишни, давлат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашни ўзларининг энг муҳим вазифалари деб биладилар. Вазифалар қанақадир катта бўлмасин, корхона ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда, ҳар бир меҳнат коллективида мавжуд бўлган имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Қилинган ишни таниқли таҳлил этиш, ҳамма резервларни топиб ишга солиш, ҳар бир иш соатидан, ҳом ашё ва материаллардан оқилона фойдаланиш, изоҳларнинг тажрибасини ҳаммаларнинг мулкига айлантириш — мусобақадошларнинг биринчи даражали бурчидир.

Саноат, транспорт ва алоқа корхоналарининг ходимлари беш йилликнинг учинчи йили учун ўзларига юксак марралар белгилаб олганликларини нотиқлар уқтириб ўтишди. Пландан ташқари кўп миқдорда қишлоқ хўжалик техникаси, тўқимачилик ва пахта тозалаш асбоб-ускуналари, бошқа маҳсулотлар бериш, халқ истеъмол қиладиган сифатли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш кўзда тутилди. Республика пойтахтини коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби шаҳрига айлантириш учун бошланган мусобақа янада кенг авж олдирилади.

Область қишлоқ хўжалигининг меҳнатчилари мамлакатнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишга кўпроқ ҳисса қўшадилар, дейишди нотиқлар. Тошкент технологияси номи билан машҳур бўлган меҳнатни ва агротехникани ташкил қилишнинг илғор методлари комплексини кенг қўлланиш ҳисобига улар тўқимачилик саноати талабларига мос келадиган мўл пахта ҳосилини эрта муддатларда етиштириш ва уни тез териб олишни таъминлаш нилтидадирлар. Шу билан бирга колхоз ва совхозлар давлатга кўп миқдорда don, сабзавот, мева, гўшт, сут, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари берадилар. Мажбуриятларда қишлоқ меҳнатчиларининг турмуш маданиятини янада юқори кўтариш кўзда тутилган.

Митинг қатнашчилари зўр якдиллик билан КПСС Марказий Комитетига мактуб юбордилар, унда Тошкент области ва республика пойтахтининг меҳнатчилари беш йиллликнинг учинчи йилини хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги катта ютуқлар билан нишонлайдилар, деб қатъий ишонч билдирилди.

Тантанали митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, А. А Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

БЕШИНЧИ ОКЕАН МЕҲНАТЧИЛАРИГА

Ўзбекистон граждан авиацияси учувчилари, штурманлари, инженерлари, техниклари беш йиллиқнинг иккинчи йилида зарбдорларча фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Республика авиаторлари каттакатта қурилишларда ишламоқдалар, кенг кўламда геологик қидируғ ишларини олиб бормоқдалар, пахта, don экинлари, сабзавот хосили учун курашмоқдалар, электр линияларини, газопроводларни, автомобиль йўлларини қуришда қатнашмоқдалар, пассажирлар ва юкларни жадаллик билан ташиб бермоқдалар, беморларни қутқариб, қолмоқдалар ва бошқа кўпгина вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқдалар. Улар ўн бир ойлик ишлаб чиқариш программасини муваффақиятли адо этдилар. Бошқарма коллективи СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақияти учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

14 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин авиаторларга юксак мукофотни топширди. Республика учувчилик бўлинмаларининг йиғилишда сўзга чиққан вакиллари бундан буён ҳам бутун кучимиз, ғайрат-шижоатимизни коммунистик қурилиш ишига сарфлайберамиз, КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини бажаришда муносиб ҳисса қўшаберамиз, деб ваъда бердилар.

(ЎзТАГ).

ЮКСАК МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

УРГАНЧ, 14 декабрь. (ЎзТАГ). Хоразм областининг меҳнаткашлари юбилей йилини халқ хўжалигининг барча тармоқларида катта муваффақиятлар билан нишонладилар. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганлиги, иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планини муваффақиятли бажарганлиги учун орденли Хоразм области КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди.

Бугун юксак мукофот областга топширилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов байроқни тантанали вазиятда топширди.

Сифатли шудгор мўл ҳосилга пойдевордир. Ер қанчалик сифатли шудгор қилинса, қиш бўйи нам тўплаб, куч йиғади. Буни яхши билган Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози деҳқонлари шу кунларда шудгорлашни тезроқ ниҳоясига етказишга ҳаракат қилмоқдалар.

Суратда: пешқадам трактор чи Ш. Елемесов.

А. Мальцев фотоси.

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

Ўзбекистон меҳнаткашлари шонли сана — ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини халқлар дўстлигининг катта байрами, ленинча миллий сиёсат тантанаси сифатида кутиб олмоқдалар. СССРнинг юбилейига бағишланиб областлар, шаҳарлар, районлар, меҳнат коллективларида бўлиб ўтаётган тантанали мажлислар ва митингларда шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари Коммунистик партия билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини — совет кишиларининг фаровонлигини тинмай оширишга, ер юзида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганликлари изҳор этилди. КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган нутқи партиямизга, ленинча йўлга садоқатнинг яна бир ёркин далили бўлди.

Совет Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлаш юзасидан Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон АССР, бир қанча областлар, шаҳарлар, районлар ва илғор коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроқлари билан мукофотланганлиги тўғрисидаги хабар ижодий куч-ғайратни янада жўш урдириб юборди. Митингларнинг қатнашчилари ҳар бир область, шаҳар, район экономикаси ва маданияти ривожланганлиги тўғрисида фахрланиб гапирдилар. Октябрь ғалабасидан кейингина, мамлакатимиз барча халқларининг қардошларча дўстлиги ва ўзаро ёрдами натижасидагина бундай юксалишга эришилди. Митингларнинг иштирокчилари Совет Иттифоқининг шонли юбилейи шарафига авж олдириб юборилган умумхалқ мусобақасида қўлга киритилган меҳнат ютуқлари тўғрисида гапирдилар.

Навоий, Самарқанд, Урганчда область партия комитетлари ва халқ депутатлари область советларининг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган тантанали мажлислари бўлиб ўтди. Тантанали мажлисларда Навоий область партия комитетининг биринчи секретари В. Н. Есин, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Р. С. Ашуралиев, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойбергановлар сўзга чиқдилар.

Тантанали мажлислар ва митингларнинг қатнашчилари Ленин ғояларига чексиз содиқ эканликларини, эришилган ютуқларни ривожлантириш ва кўпайтиришга, фидокорона меҳнатлари билан бундан буён ҳам социалистик Ватан бойлиги ва куч-қудратини мустаҳкамлашга тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

(ЎзТАГ).

«ОҚ ОЛТИН-82» МАВСУМИ ҚАҲРАМОНЛАРИ

МАТОНАТИНГГА БАЛЛИ, САМАРҚАНД!

ЗАРБДОР МЕҲНАТ САМАРАСИ

Улкан шодиёна арафасида турибмиз. Яқинда бутун совет қишлоқлари тарихий сана — СССР ташкил топган кунининг 60 йиллигини катта қувонч билан байрам қиладилар.

Тўйга тўёна билан бориш элимизнинг азалий удуми. Ана шу ажойиб анъанани изчил давом эттираётган Ленин орденли областимиз меҳнаткашлари юбилейолди социалистик мусобақада фаол иштирок этиб, халқ хўжалигининг барча соҳаларида катта муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Областимиз қишлоқ меҳнатчилари эришган натижа салмоқли бўлди. Республикадаги бир группа донгдор бригадирларнинг йил бошидаги «СССРнинг 60 йиллигига — 60 центнерлик ҳосил!» ватанпарварлик даъвати областимиз пахтазорларида ҳам жиз садо берди, қишлоқ меҳнатчиларини улкан хирмон сари отлантирди. Юбилей арафасида шуни қувонч билан айтамизки, областимизнинг лафзи ҳалол пахтакорлари партия ва халқ олдида берган сўзларининг устидан чиқдилар. Ватан хирмонига 490 минг тоннага яқин «оқ олтин» топшириб, халқ хўжалик планини ҳам, зиммадаги социалистик мажбуриятни ҳам шараф билан ошириб адо этдилар.

Бу ғалаба осонликча қўлга киритилгани йўқ, албатта. У деҳқоннинг реза-реза пешона тери, ақл-заковати ва шижоати туфайли юзага келди. Баҳорнинг қуруқ келиши туфайли чигитни ундириб олиш катта қийинчиликлар туғдирди. Катта-катта майдонларга чигит суви беришга тўғри келди. Натижада экиннинг бир қисми ривожланишдан анча орқада қолди. Аммо заҳматкаш деҳқонларимиз уддабуронлик кўрсатдилар. Ҳар туп ниҳолни ардоқлаб, парваришни кучайтириш ҳисобига экиннинг жадал ривожини таъминладилар.

Сув тақчиллиги пахтакорга озмунча ташвиш келтирмади. Сув — зар, сувчи — заргар, деган ҳикмат алоҳида салмоқли касб эди. Деҳқонларимиз экин тагидаги намни мумкин қадар сақлаб қолиш чора-тадбирларини белгиладилар. Экинга ишлов бериш, яъни қатор ораларини сифатли культивация қилиб, тупроқни майин ҳолатда сақлаш энг самарали йўл сифатида танланди. Ота-боболаримиз қадим-қадимлардан бери қўллаб келган ишончли усул — маҳаллий ўтитдан фойдаланиш ижобий натижалар берди.

Бир сўз билан айтганда, деҳқончиликдаги авлоддан-авлодга ўтиб, мукаммаллашиб келаётган қаётий тажриба, замонавий агротехника, илму фан ютуқларининг уйғунлаштириб, бир мақсадга йўналтирилиши эришилган ютуққа мустаҳкам замин бўлди. Область партия ва совет органлари бу борада нафақат раҳбар ва ташкилотчи, балки меҳнат коллективларининг ғамхўри ҳамда яқин кўмакчиси сифатида майдонга чиқдилар. Шу ўринда область партия комитетининг комиссияси фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Составида партия ходимлари ва турли соҳа мутахассисларини мужассамлаштирган бу жанговар уюшма навбати билан областимизнинг барча районларида иш кўрди. Комиссия аъзолари хўжаликларда пайкалма-пайкал юришиб, пахтачиликдаги мавжуд аҳволни синчиклаб ўрганиб чиқдилар. Сўнгра мазкур район раҳбарлари, хўжалик бошлиқлари, партия ташкилотлари секретарлари ва мутахассислари — қишлоқ хўжалигига масъул барча ўртоқлар иштирокида комиссия ишига якун ясалди. Область партия комитетининг секретарлари қатнашадиган якунловчи йиғилишда жойлардаги мавжуд аҳвол атрофлича таҳлил этилди. Ютуқлар таъкидланди, мавжуд камчилик ва нуқсонлар рўй-рост очиб ташланиб зудлик билан уларни бартараф қилиш тадбирлари белгиланди.

Областимиз меҳнат аҳли орзиқиб кутган, интилган ва эришган катта ғалабага Каттақўрғон, Оқдарё, Пахтачи, Нарпай, Жомбой, Пастдарғом, Пайариқ районлари муносиб улуш қўшдилар. Мазкур районларда пахта тайёрлаш план-топшириқлари ошириб адо этилди Пахтачи райони заршунослари гектаридан 37,8 центнердан, Каттақўрғон райони мириш-корлари эса 36,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Большевик районидаги Карл Маркс номли, Каттақўрғон районидаги Ленин номли, Тельман номли, Оқдарё районидаги «Партия XXII съезди», Пахтачи районидаги Карл Маркс номли, «Коммунизм», Пастдарғом районидаги «Комсомол» колхозларида ҳосилдорлик гектар бошига 40—50 центнердан ошиб кетди.

Зарафшон водийси азалдан миришкор деҳқонлар, асл пахтакорлар юрти. Пахтадан муттасил юқори ҳосил етиштириб, ҳурмат-эътибор қозонган, областимиздан ташқарида ҳам донг таратган кишиларимиз оз эмас. Улар меҳнатда фидокорлик намуналарини кўрсатиб қолмасдан, балки ёш пахтакорларнинг устоз ва мураббийлари бўлиб қоляптилар. Биз бундай ишнинг кўзини билган, қалби кенг фидоий кишиларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ғоят оғир келган бу йилги деҳқончилик шароитида ҳам улар ўз анъаналарига содиқ қолдилар, йиғим-терим мавсумининг бошиданоқ карвонбошиликни қўлдан бермадилар. Чунончи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — Большевик районидан Бойтўра Кўмаков, Каттақўрғондан Шониёз Турсунов, Пахтачидан Сафар Эргашев, Нарпайдан Бозор Донаев, шунингдек Пастдарғом районидаги Калинин номли колхоздан Бойит Нормўминов, Оқдарё районидаги Карл Маркс номли колхоздан Нуриддин Муродуллаев, Жомбой районидаги «Коммунизм» колхозидан Саттор Рашидов, Пайариқ районидаги Калинин номли колхоздан Ширинбой Яхёев, Иштихон районидаги «Муродобод» колхозидан Маҳмуд Аминовлар бошлиқ ва бошқа қўлаб бригадалар гектарлар ҳосилдорлигини 50—60 центнердан оширишга муяссар бўлдилар.

Ўз-ўзидан равшанки, кузнинг сернам келиши, кетмакет ёққан қор ва ёмғирлар теримда агрегатлардан фойдаланишга жуда оз фурсат қолдирди. Шунга қарамасдан механизаторларимиз тадбиркорлик кўрсатиб, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга интилдилар ва умумхалқ ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Нарпай районидаги Ислом шоир номли совхозидан СССР Олий Советининг депутати Усмон Мамадиёров, Каттақўрғон районидаги «Правда» колхозидан Баҳром Убайдуллаев, Оқдарё районидаги «Ўзбекистон» колхозидан Бахтиёр Умиров, Пастдарғом районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан Кўбай Одилов, Иштихон районидаги «Муродобод» колхозидан Маманазар Ражабов, Большевик районидаги Карл Маркс номли колхозидан Мусурмон Эргашев, Пайариқ районидаги Навоий номли совхозидан Даврон Умиров, Жомбой районидаги «Украина» совхозидан Нурулло Худойназаров ва бошқа кўпгина деҳқон механизаторларимиз «пўлат этак»лардан 250—500 тоннадан дурдона тўкиб, мусобақа голиблари бўлдилар.

Биз ҳар дақиқада республика партия ва ҳукуматининг ғамхўрлиги ва амалий ёрдамини ҳис этиб турдик. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг областимизда бўлиб, пахтакорларимиз иши билан танишуви, кўрсатган йўл-йўриқлари, қимматли маслаҳатлари дала меҳнатчиларининг қучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг оташин Мурожаати катта-ю-кичик, ёшу қари — областимиз кишилари қалбидан чуқур жой олди. Мурожаатдан руҳланган Самарқанд, Каттақўрғон, Оқтош, Ургут шаҳарларидаги саноат корхоналари, ташкилотлар коллективлари, олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари студентлари, мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари, меҳнат, революция ва уруш ветеранлари ҳам пахтазорга отландилар. Қўшработ, Советобод районларининг қорақўлчилари, Ургут таманкорлари, Булунгур соҳибкорлари ва Самарқанд районидаги сабзаводчилари пахтакорлар билан ёнма-ён меҳнат қилиб, ҳосилни йиғиб-теріб олишда яқиндан ёрдам бердилар.

План ва мажбуриятлар ошириб бажарилган бўлсада, заҳматкаш деҳқон тиним билмайди, янаги йил ҳосили ташвишлари бошланади. Зеро, пахтакорлик касбининг табиати шундай. У кишидан йил ўн икки ой меҳнат қилишни, ўз касбига астойдил меҳр қўйишни талаб этади. Ана шундай муваффақият доимо деҳқонга ҳамроҳ бўлади.

Фидокор қишлоқ меҳнатчиларимиз айни кунларда кузги-қишки дала ишларини уюшқоқлик билан олиб бораётилар. Пайкалларни гўзапоялардан тозалаш, ер ҳайдаш, далага маҳаллий ўғит чиқариш ва шу каби ишларни амалга оширяптилар. Айни пайтда йил якунларини таҳлил қилиб, янги режалар белгиляптилар.

Янги вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши эса биздан ҳали кўп ишлашни талаб этади. Пахтачиликда илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш, механизацияни кенгроқ жорий қилиш, гектарлар ҳосилдорлигини ошириш. Бу бизнинг асосий резервларимиздир. Чунки бизда сув ресурслари ғоят чегараланган, шунинг учун ҳам ялпи ҳосил салмоғини ўстиришга олиб келадиган барча воситалардан самарали фойдаланишимиз зарур. Бинобарин, бу соҳада эътиборга молик анча ишлар қилиняпти. Пахтанинг областимиз шароитига мослаб яратилган «Самарқанд» навларининг экилиши яхши натижалар беряпти. Заршуносларимиз капсулали уруглик чигитга катта қизиқиш билан қарамоқдалар ва бундай уруғ экиладиган майдонлар тобора кенгайиб бораётир.

Айни пайтда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам оз эмас, Жумладан, бир қатор пайкаларимизда пахта пайкаллари адирларда жойлашган бўлиб, қақроқ далаларга туташиб кетган. Уларда суғориш системасини ҳали талаб даражасида деб бўлмайди. Ирригация-мелиорация ишларининг кенг кўламда олиб борилиши мазкур пайкалларда ҳам ҳосилдорликнинг кескин кўтарилишига олиб келиши шубҳасиздир. Бинобарин, гектарлар ҳосилдорлигини ошириш масаласини нафақат адирларда, балки эскидан ўзлаштирилган текисликларда ҳам тўла ҳал этилган деб бўлмайди. Пахтачиликда механизация воситаларидан тобора кўпроқ фойдаланишимиз керак. Сирасини айтганда, бу бизнинг навбатдаги вазифаларимиз, фойдаланиш лозим бўлган резервларимиздир.

Областимиз меҳнат аҳли пахтачиликда бўлгани сингари халқ хўжалигининг барча тармоқларида ҳам юксак натижаларга эришиб, СССРнинг 60 йиллигига муносиб совға ҳозирладилар.

В. П. КУКСЕНКО,
Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитетининг иккинчи секретари.

Суратда: Нарпай районидаги Ислом шоир номли совхоз механиги-ҳайдовчиси, СССР Олий Совети депутати Усмон Мамадиёров. У ҳар қачонгидек бу йил ҳам область дала гвардиячиларининг сардори бўлди.

ФАХР

Зафарлар базмида янграр қўйим ҳам пахтадан,
дўстлар,
Улуг халқимни шод этган тўйим ҳам пахтадан,
дўстлар.
Жаҳон қойил қолар қадди бўйим ҳам пахтадан.
дўстлар,
Фахрлангум ошим, чойим, ноним ҳам пахтадан.
дўстлар,
Бошимни кўкка етказган шоним ҳам пахтадан.
дўстлар.
Азалдан меҳнати бирлан маҳорат айлаган деҳқон,
Шарафлар-ла безаб номин, жасорат айлаган деҳқон.
Садоқат, ҳиммати бирла саҳоват айлаган деҳқон,
Фахрлангум ошим, чойим, ноним ҳам пахтадан,
дўстлар,
Бошимни кўкка етказган шоним ҳам пахтадан,
дўстлар.
Ким ул ҳиммат қилиб деҳқончиликка қўл урар бўлса,
Сира кам бўлмагай элга ҳалол меҳнат қилар бўлса,
«Оқ олтин» пойгасида қамчилаб отин сурар бўлса,
Фахрлангум ошим, чойим, ноним ҳам пахтадан,
дўстлар,
Бошимни кўкка етказган шоним ҳам пахтадан,
дўстлар.
Бу қутлуг йўл, қаторда нор бўларким, ул башар
деб бил.
Сафарбарлик, шижоат бу қари-ёшга ҳашар деб бил.
Халқим, деҳқонни мадҳ этган кичик шеъринг
асар деб бил.
Фахрлангум ошим, чойим, ноним ҳам
пахтадан, дўстлар.
Бошимни кўкка етказган шоним ҳам пахтадан,
дўстлар.

Ҳакимжон ТУРСУНОВ.

Пахтачи районидаги Калинин номли колхозидаги тайёрлов пункти бу йил қарийб 10 минг тонна пахта қабул қилиб олди.

Суратда: қабул пунктининг умумий кўриниши.

И. Ҳасанов фотоси.

ОИЛАМИЗ ҲИССАСИ

Ёшим етмиш учда. Оиламиз катта: беш ўғил, беш қиз, саксон икки невара, ўттиз уч чевара. Минг тўққиз юз йигирма тўққизинчи йилдан буён ўзимиз яшаётган Ургут районидаги Калинин номли колхоз аъзосиман. Оддий колхозчи ҳам, бригадир ҳам, раис ҳам бўлдим. Сўнгги йигирма йилдан зиёдроқдан буён маккажўхоричилик қиляпман. Ҳосилдорлик юқори. Бу йил ҳам гектаридан 101 центнердан дон олдим. Дала шийпони қошида ёрдамчи хўжалик ташкил этиб, давлатга 2 тониадан зиёд қорамол гўшти, 500 килограмм парранда гўшти топширдик

Хайрли, катта ишга бош қўшиш халқимизнинг азалий удуми. Пахта йиғим-терими қилиб келяпти.

Йигирма йилдан зиёд бригадирлик фаолиятимда бунга қатъий иқрор бўлдим. Хўжаликларимизда кўп йиллардан буён коммунистларнинг қолоқ коллективларга ўтиб ишлаши тажриба қилиняпти Мен ҳам икки-уч марта ана шундай қолоқ бригадага ўтдим ва ҳар гал ҳосилдорликни 45—50 центнердан оширишга муваффақ бўлдик.

Мазкур бригадани бошқараётганимга ҳам уч йил бўляпти. Натижа ёмон эмас, ҳосилдорлик гектарига 45—50 центнердан тушгани йўқ.

Юбилей йили биз пахтакорлар учун айниқса катта синов йили бўлди. Ғоят кийин об-ҳаво шароитларида мўл ҳосил яратдик. Бунда бизга пахтачиликда илғор технология саналган Тошкент технологияси қўл келди.

Барча агротехник тадбирларни қисқа муддатларда, сифатли ўтказиш, ана шу принципга асосланган технологиянинг ғоят афзал эканлиги кунделик тажрибада исботланди. Бунда маҳаллий шароитни ҳам ҳисобга олиш керак, албатта. Биргина мисол. Аввалари муҳим агротехник тадбир — экиш кампанияси қийла чўзилиб кетарди. Бу йил эса уни олти иш кунида сифатли тамомладик. Натижада экин бир текис ривожланди. Бир кунда дефолиация қилдик. Кўсаклар чамандай очилиб берди. Бир ўн кунликда йиллик планнинг 60 процента миқдорида ҳосил йиғиштиришга эришдик. Бу янги технология шарофатидир.

Шониёз ТУРСУНОВ.

Каттақўрғон районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

Бир пайтлар гектаридан ўттиз центнердан пахта ҳосили кўтарилса жуда катта ютуқ саналарди. Вақт ўтиши билан бу рақам ҳам эскириб қолди. Пахтакорлар қирқ, эллик центнерлик маррани ҳам забт этдилар. Бугунги кунда гектаридан олтмиш центнердан ҳосил етиштираман деганларнинг сафи анча кенгайди.

Бу албатта кўп жиҳатдан фан-техника ютуқларининг деҳқончиликка дадил кириб келаётганлиги натижасидир. Дарҳақиқат, қудратли техника ёгамиз, ўғит мўл. Яна гўзанинг касалликларга чидамли, эртапишар, ҳосилдор навлари яратиляпти, ишлаб чиқаришга янги, самарали технология кириб келяпти.

Йигирма йилдан зиёд бригадирлик фаолиятимда бунга қатъий иқрор бўлдим. Хўжаликларимизда кўп йиллардан буён коммунистларнинг қолоқ коллективларга ўтиб ишлаши тажриба қилиняпти Мен ҳам икки-уч марта ана шундай қолоқ бригадага ўтдим ва ҳар гал ҳосилдорликни 45—50 центнердан оширишга муваффақ бўлдик.

Мазкур бригадани бошқараётганимга ҳам уч йил бўляпти. Натижа ёмон эмас, ҳосилдорлик гектарига 45—50 центнердан тушгани йўқ.

Юбилей йили биз пахтакорлар учун айниқса катта синов йили бўлди. Ғоят кийин об-ҳаво шароитларида мўл ҳосил яратдик. Бунда бизга пахтачиликда илғор технология саналган Тошкент технологияси қўл келди.

Барча агротехник тадбирларни қисқа муддатларда, сифатли ўтказиш, ана шу принципга асосланган технологиянинг ғоят афзал эканлиги кунделик тажрибада исботланди. Бунда маҳаллий шароитни ҳам ҳисобга олиш керак, албатта. Биргина мисол. Аввалари муҳим агротехник тадбир — экиш кампанияси қийла чўзилиб кетарди. Бу йил эса уни олти иш кунида сифатли тамомладик. Натижада экин бир текис ривожланди. Бир кунда дефолиация қилдик. Кўсаклар чамандай очилиб берди. Бир ўн кунликда йиллик планнинг 60 процента миқдорида ҳосил йиғиштиришга эришдик. Бу янги технология шарофатидир.

Шониёз ТУРСУНОВ.

Каттақўрғон районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ҒОЛИБЛАР

Зарафшоннинг қўш 'зар кокили — Оқдарё ва Қорадарё ўртаси — Миёнқол ороли деб аталмиш сахий заминда пахта деса жонини фидо қиладиган, шу жиҳатдан бир-бирига ўхшаб кетадиган самимий одамлар яшашади. Улар доимо келажакка умид ва ишонч билан қарайдилар.

— Мана, кўрасиз, маррани Каттақўрғондан кейин иккинчи бўлиб эгаллаймиз, — деди учрашувларнинг бирида Оқдарё район партия комитетининг биринчи секретари Қўзи Искандаров теримнинг бориши ҳақидаги ахборотга кўз югуртирар экан босиқлик билан.— Сўзимга ишонаверинг, ҳаммаси ҳисоб-китоб қилинган.

Ўшанда кунлик ўсишда район икки ўн кунликда область байроғини қўлга киритган бўлсада, рўйхатнинг ўртасида борарди. Аммо кунига ўртача 1,5—2 процентдан пахта топшириб, жадал юқорига интиларди. Ва нихоят райком секретари сўзларини тасдиқлайдиган кун келди — Оқдарё бир қатор районларни қувиб ўтиб, областда иккинчи бўлиб зафар маррасини эгаллади.

Афтидан райком секретари бу сўзларни ҳар бир хўжаликнинг имкониятини яхши билган, одамларни ўрганган, уларга ишонгани учун ҳам айтганди.

Мана, пешқадам «Партия XXII съезди» колхози. Хўжаликка сочларига қиров қўнган асл деҳқон Бурхон, ака Сувонов кўп йиллардан бери бошчилик қилади. У киши об-ҳаво деҳқончилик учун ғоят ноқулай келган оғир йилларда ҳам қизариб қолмаган. Бу йил ҳам мавжуд пахта майдонларининг гектаридан пландаги 34 ўрнига 40 центнердан ошириб ҳосил кўтарди. Мавсум охирида областнинг энг пешқадам хўжаликлари қаторидан жой олди.

— Ерни боқсак у бизни тўйдиради, — дейди уста пахтакор. — Бу кўхна заминда обдан меҳнатнинг зўри билан ҳосил битади. Кучни аямасдан ўғит чиқарамиз, ардоқлаймиз. Шунинг учун ҳам бизда топшириқ бажарилмаган соҳа йўқ. Пахта, чорва, бошқа соҳаларда ҳам шунга одатланганмиз.

Катта хаётий тажриба меваси бўлган бу сўзлар ёшларнинг кулоғига қўрғошиндай қуйилади. Зотан хўжаликда миришкор пахтакорлар эртанги кун ташвиши билан яшаб, муносиб ўринбосарлар ҳам тайёрляптилар.

Ёш коммунист Шариф Абдуллаев ана шундай оталар касбини ишонч билан давом эттираётган пахтакор йигит. Унинг коллектив раҳбари сифатида тажрибаси ҳали кам— атиги уч йилдан буён бригадага етакчилик қиляпти. Бригадага ажратилган юз гектар майдонда ҳар йили план топшириқларни ошириб адо этяпти. Бу йил ҳам хўжаликда биринчилар қатори маррага етди. Гектаридан пландаги 33,7 центнер ўрнига салкам 50 центнердан ҳосил кўтарди.

Кўп болали она Меҳри опа Меҳрибонова бу йил районда чинакамига довруг таратди. Ўн фарзанди тарбиялаб, воягa етказаётган Меҳри опа СССР Олий Совети Президиумининг фармонига биноан «Қаҳрамон она» шарафли унвонига сазовор бўлган, Фақат бир фарзанди — катта ўғлини уйлантириб, мустақил ҳаётга учирма қилган. Қолганлари бир ўғил, саккиз қиз — тўққиз фарзанд умр йўлдоши Барот ака Пиримқулов иккаласи баҳрида.

Кенжа фарзанди тўрт ёшга кириб эсини танигач, Меҳри опа ўзаро маслаҳатлашди ва пахтачиликда чинакамига ишлашга қарор қилди. «Даҳбед» совхозининг ўзи истиқомат қилаётган 2-бўлимида ўтган йили ҳам пахта плани тўлдирилмаган қолоқ бригада раҳбарлигини зиммасига олди. Олтин куз унга ташвишлар билан бирга катта қувонч олиб келди. 16 октябрь куни гектаридан 27 центнердан ҳосил кўтариб, совхозда биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекканида унинг қувончини кўрсангиз эди! Меҳри опа сўнгра зиммадаги мажбуриятни ҳам, қўшимча мажбуриятни ҳам зиёда билан уддалади, мавсумнинг чинакам қаҳрамонига айланди.

«Москва» колхозида Мингбоевларнинг оилавий звеноси ҳақида илиқ сўзларни айтишди. Саккиз кишидан иборат звенога оила бошлиғи Бахром ота Мингбоев етакчилик қилади. Турмуш ўртоғи Мастура хола, келини Хосият, ўғил-қизлари Актам, Ҳанифа, Ҳафиза, Шавкат, Ҳуснободлар звено аъзолари. Мавсумда 35 тонна пахта териш мажбуриятини олишди ва ошириб бажаришди. Бу — бригада планининг 10 процента демакдир.

— Бу йил биринчи марта оилавий звенога уюшиб ишладик, — дейди звено аъзоси, чевар теримчи Хосият Мингбоева. — Звено ишда уюшқокликни оширади. Янада унумли ишлаш имконини беради. Бизда бундай оилавий звенолар анчагина. Бригадамизнинг ўзида Эшонқуловлар звеносида олти киши, Туймаевлар звеносида беш киши, Эргашевлар звеносида тўрт киши теримда юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Оқдарёда бундай фидоий кишилар оз эмас. Бири раҳбар, бири оддий колхозчи — ҳаммаси ҳам пахтакор. Ҳар қайсисининг ҳаёт дафтари катта бир достон. Саҳифаси қаҳрамонлик сатрлари билан йўғрилган.

М. ЭРАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири Оқдарё райони.

Бу йилги «оқ олтин» мавсуми юзлаб пахтазор юлдузларини элга танитди. Уларнинг ҳар бири хирмонга барака киритган, толмас билакли, қўпмингкилограммчи теримчилардир.

Суратларда: Пайариқ районидаги Димитров номли совхозининг илғор теримчиси Роҳат Қўлдошева. Пастда эса шу райондаги «Пайариқ» совхози теримчиси Шаҳарой Ҳолмирзаева.

Ғ. Алиев фотолари.

ҚЎЛНИ-ҚЎЛГА БЕРИБ

Пахтачиликда механизатор кадрларнинг роли тобора ортиб бораётир. Йиғиштирилган ялпи ҳосилда машиналар улуши йил сайин кўпаймоқда. Шунинг учун ҳам давр талаби сифатида сўнгги йилларда қўплаб онлавий терим звенолари вужудга келди.

Кузнинг ғоят сернам келишига қарамай бу йил ҳам агрегатлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдик. Укам Қудрат билан бирга агрегатларнинг бенуқсон, мумкин қадар унумли ишлашини таъминладик. Республика партия ва ҳукуматининг оташин Мурожаати руҳимизга руҳ, белимизга қувват бағишлади. Ғоят қийин об-ҳаво шароитларида пўлат этаклардан 650 тонна дурдона тўкдик ва зиммадаги социалистик мажбуриятни ошириб адо этдик.

Айни кунларда хўжалигимизда кузги-қишки дала ишлари қизғин авж олаётир. Биз механизаторлар эса яна далада — ишнинг масъул участкаларидамиз.

Усмон МАМАДИЁРОВ,
Нарпай районидаги Ислом шоир номли совхоз механизатори, СССР Олий Совети депутати.

ҚАЛБ ҲАРОРАТИ БИЛАН

Ҳар йилнинг ўзига хос хусусиятлари бўлади. Бу йилни эса, менга қолса тадбиркорлик йили деб атардим. Чунки бу йилги ҳосил меҳнатсевар пахтакорларимизнинг ишбилармонлиги, вазиятни тўғри баҳолай билиши, деҳқончилик илмини пухта ўзлаштириб олганликлари натижаси сифатида юзага келди.

Ёз бўйи қўлланган тадбирлар шундай самаралар берди, далаларимизда мўл ҳосил яратилди. Пахтачиликда муҳим давр саналган йиғим-терим мавсумини қизғин тайёргарлик кўрган ҳолда уюшқоқлик билан бошладик. 38 та терим агрегати ва мавжуд тележкаларни бирлаштирган теримтранспорт отрядлари юксак унум билан ишлади. Шунинг учун ҳам мавсумнинг бошиданоқ юксак кўрсаткичлар таъминланди. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати энг қийин пайтларда маънавий озиқ берди. Терим суръатини сусайтирмаган ҳолда давлат планини ҳам, зиммадаги социалистик мажбуриятни ҳам районимиз хўжаликлари орасида биринчилар қатори ошириб адо этдик.

Хўжалигимиз миришкорларининг фидокорона меҳнати, пахта илмини чуқур эгаллаганликлари туфайли ҳам шундай натижага эришилди. Бизда пахтага меҳр қўйган, фидоий кишилар кўп, Ҳасан Эшмўминов, Муҳаммади Бозоров, Сайфи Йўлдошев, Муҳаммади Нормуродовлар ана шундай чинакам миришкорларимиздан. Улар бошчилик қилган бригадаларда ҳосилдорлик 55—60 центнерга етди.

Етиштирилган ҳосилнинг аксарият қатта қисми машина ва механизмлар ёрдамида йиғиштириб олинди. Терим агрегатлари билан бир қаторда мавжуд кўрак териш, кўрак узиш машиналаридан ҳам унумли фойдаландик. Илғор механизаторларимиздан Зойир Раҳматуллаев, Саъдулла Қаюмов, Исмат Пардаев, Турсунбой Нормуродовлар мавсумда 220—250 тоннадан пахта териб, алоҳида шижоат кўрсатдилар.

Ш. ҚАҲҲОРОВ,
Пахтачи районидаги К. Маркс номли колхоз раиси, КПСС XXVI съезди делегати.

ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ БИЛАН ЎТГАН 60 ЙИЛ

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти филиали Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Меҳнат Қизил байроқ ордени партия тарихи институти ташкил топганига 60 йил тўлди. Ўрта Осиёда партия тарихи фанининг қарор топиши марксизм-ленинизм классикларининг ғоявий меросини пропаганда қилиш, жамиятшунос олимлар марксчи кадрларини тайёрлаш ва тарбиялаш ана шу кекса илмий муассасанинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Институт етук социализм шароитида партиянинг раҳбарлик роли ортиб бориши қонуниятларини ўрганишга, коммунистик қурилишга партия раҳбарлиги назарияси ва практикасининг актуал масалаларига бағишланган комплекс тадқиқотларни ташкил этувчи республикадаги бош институтдир.

14 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш институт коллективи ҳаётидаги шонли санага бағишланди. Йиғилишда Ўзбекистон олимлари, партия, совет ходимлари, жамоатчилик вакиллари, шунингдек қардош республикалардан келган меҳмонлар турдош илмий муассасаларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Институт директори, Ўзбекистон ССР Фандар академиясининг мухбир аъзоси Х. Т. Турсунов институт коллективи босиб ўтган йўл, унинг илмий фаолияти тўғрисида доклад қилди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг директори академик А. Г. Егоров нутқ сўзлади.

Биз, деб таъкидлади у, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг шонли юбилейини совет халқи ҳаётидаги ажойиб воқеа — дунёда биринчи ягона кўп миллатли социалистик давлат ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида нишонламоқдамиз. Ўзбекистон меҳнаткашлари ССР Иттифоқи 60 йиллигини кутиб олаётган ютуқларда совет халқлари буюк ҳамдўстлигининг улувор натижалари яққол кўриниб турибди.

Шуни қайт этиб ўтиш қувончлики, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти ҳам СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини ва ўзининг юбилейини яхши натижалар билан кутиб олди. Бу қонуниятли бир ҳолдир. Бу ерда билимдон, тажрибали олимлар ва мутахассислар ишламоқдалар. Институтнинг кўркам биноси бўлиб, самарали ишлаш учун барча шарт-шароитларга эгадир, бу эса республика партия ташкилоти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети доимо эътибор бериб, ғамхўрлик қилаётганлигининг натижасидир.

Олтмиш йил мобайнида институт коллективи кўпгина ишларни бажарди. унинг партия тарихи фанини ривожлантиришдаги, марксизм-ленинизм классикларининг ғоявий-назарий меросини, партия ҳужжатларини пропаганда қилишдаги хизматлари салмоқлидир.

В. И. Ленининг 55 томлик тўла асарлар тўплами ўзбек тилида босиб чиқарилганлиги шубҳасиз, республиканинг иктисодий-сиёсий ғоявий ҳаётида катта воқеа бўлди. Асарлар тўла тўплами юксак илмий савияда таржима қилинди. Бу нашр республикада маданият ва илм-фан даражаси ошганлигининг ёрқин кўрсаткичи, шунингдек уларни янада ривожлантиришнинг, оммани коммунизм руҳида тарбиялашнинг қудратли омили ҳамдир. Институтда тайёрланган ҳамда яқинда нашр этилган «В. И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида» тўплами ҳам илмий ленинномага қўшилган қимматли ҳисса бўлди.

Партия тарихига оид ҳужжатларни тўплаш ва систематлаштириш, уларни нашр этиш борасида кўп ишлар қилинди, бу эса илмий тадқиқотлар иқлимини анча мустаҳкамлаб, кенгайтирди. Шу муносабат билан Ўзбекистонининг таниқли партия ва совет ходимларидан Ф. Ҳўжаев, А. Икромов, И. Охунбоев, У. Юсупов асарларини институт тайёрлаб нашр этганлигини қайд этиб ўтиш керак. Бу китоблар билиш нуқтаи назаридангина аҳамиятли бўлиб қолмай улар меҳнаткашларни Ленин партияси шонли анъаналари руҳида тарбиялашнинг муҳим манбаи ҳамдир.

КПСС XXVI съездининг қарорлари институт коллективи ижодий ғайратини янада кучайтириб юборди. Кейинги йилларда институт ўзининг илмий-тадқиқот фаолиятини коммунистик қурилиш практикаси билан, партия ташкилотларининг иши билан тобора мустаҳкам боғлаб, республикада тўпланган социал-иқтисодий, сиёсий ва маънавий тажрибани янада чуқурроқ умумлаштирмоқда. Ривожланган социализм шароитида партиянинг ҳар томондама фаолиятини, партия қурилишининг ҳозирги тажрибасини, партиявий-ташкилий ва мафкуравий иш масалаларини конкрет ҳаётий материал асосида ўрганиш йил сайин тобора кенгаймоқда ва муттасил авж олдирилмоқда.

Институт Ўрта Осиёдаги барча республикалар ва Қозоғистон Компартияларининг тарихий тажрибасини умумлаштирувчи фундаментал асарларни яратишга катта ҳисса қўшди. Умуман КПСС-нинг тажрибасини ҳисобга олган ҳолда республика партия ташкилотларининг фаолиятини комплекс ўрганиш тарихий қонуниятларининг амал қилишини тўлиқроқ ва чуқурроқ кўрсатиш, тарихий жараёндаги умумий, алоҳида ва бир йўла содир бўладиган ўзига хос хусусиятларни пухтароқ аниқлаш, бир мунча салмоқли ва далиллар билан исботланган хулосалар чиқариш имкониятини беради. Республика илмий муассасалари ва олий ўқув юртларида партия тарихи ва партия қурилиши масалалари юзасидан олиб борилаётган тадқиқотчилик фаолиятини мувофиқлаштиришда институт жуда муҳим роль ўйнаётганлигини ҳам қайд этиб ўтиш керак.

Талайгина ишлар қилинди. Аммо ҳаёт олга томон жўшқин ҳаракат қила бориб, тобора янги вазифалар, янги-янги проблемаларни ўртага қўймоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ягона кўп миллатли социалистик давлат ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида нишонламоқдамиз. Ўзбекистон меҳнаткашлари ССР Иттифоқи 60 йиллигини кутиб олаётган ютуқларда совет халқлари буюк ҳамдўстлигининг улувор натижалари яққол кўриниб турибди.

Шуни қайт этиб ўтиш қувончлики, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти ҳам СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини ва ўзининг юбилейини яхши натижалар билан кутиб олди. Бу қонуниятли бир ҳолдир. Бу ерда билимдон, тажрибали олимлар ва мутахассислар ишламоқдалар. Институтнинг кўркам биноси бўлиб, самарали ишлаш учун барча шарт-шароитларга эгадир, бу эса республика партия ташкилоти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети доимо эътибор бериб, ғамхўрлик қилаётганлигининг натижасидир.

Олтмиш йил мобайнида институт коллективи кўпгина ишларни бажарди. унинг партия тарихи фанини ривожлантиришдаги, марксизм-ленинизм классикларининг ғоявий-назарий меросини, партия ҳужжатларини пропаганда қилишдаги хизматлари салмоқлидир.

В. И. Ленининг 55 томлик тўла асарлар тўплами ўзбек тилида босиб чиқарилганлиги шубҳасиз, республиканинг иктисодий-сиёсий ғоявий ҳаётида катта воқеа бўлди. Асарлар тўла тўплами юксак илмий савияда таржима қилинди. Бу нашр республикада маданият ва илм-фан даражаси ошганлигининг ёрқин кўрсаткичи, шунингдек уларни янада ривожлантиришнинг, оммани коммунизм руҳида тарбиялашнинг қудратли омили ҳамдир. Институтда тайёрланган ҳамда яқинда нашр этилган «В. И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида» тўплами ҳам илмий ленинномага қўшилган қимматли ҳисса бўлди.

Партия тарихига оид ҳужжатларни тўплаш ва систематлаштириш, уларни нашр этиш борасида кўп ишлар қилинди, бу эса илмий тадқиқотлар иқлимини анча мустаҳкамлаб, кенгайтирди. Шу муносабат билан Ўзбекистонининг таниқли партия ва совет ходимларидан Ф. Ҳўжаев, А. Икромов, И. Охунбоев, У. Юсупов асарларини институт тайёрлаб нашр этганлигини қайд этиб ўтиш керак. Бу китоблар билиш нуқтаи назаридангина аҳамиятли бўлиб қолмай улар меҳнаткашларни Ленин партияси шонли анъаналари руҳида тарбиялашнинг муҳим манбаи ҳамдир.

КПСС XXVI съездининг қарорлари институт коллективи ижодий ғайратини янада кучайтириб юборди. Кейинги йилларда институт ўзининг илмий-тадқиқот фаолиятини коммунистик қурилиш практикаси билан, партия ташкилотларининг иши билан тобора мустаҳкам боғлаб, республикада тўпланган социал-иқтисодий, сиёсий ва маънавий тажрибани янада чуқурроқ умумлаштирмоқда. Ривожланган социализм шароитида партиянинг ҳар томондама фаолиятини, партия қурилишининг ҳозирги тажрибасини, партиявий-ташкилий ва мафкуравий иш масалаларини конкрет ҳаётий материал асосида ўрганиш йил сайин тобора кенгаймоқда ва муттасил авж олдирилмоқда.

Институт Ўрта Осиёдаги барча республикалар ва Қозоғистон Компартияларининг тарихий тажрибасини умумлаштирувчи фундаментал асарларни яратишга катта ҳисса қўшди. Умуман КПСС-нинг тажрибасини ҳисобга олган ҳолда республика партия ташкилотларининг фаолиятини комплекс ўрганиш тарихий қонуниятларининг амал қилишини тўлиқроқ ва чуқурроқ кўрсатиш, тарихий жараёндаги умумий, алоҳида ва бир йўла содир бўладиган ўзига хос хусусиятларни пухтароқ аниқлаш, бир мунча салмоқли ва далиллар билан исботланган хулосалар чиқариш имкониятини беради. Республика илмий муассасалари ва олий ўқув юртларида партия тарихи ва партия қурилиши масалалари юзасидан олиб борилаётган тадқиқотчилик фаолиятини мувофиқлаштиришда институт жуда муҳим роль ўйнаётганлигини ҳам қайд этиб ўтиш керак.

Талайгина ишлар қилинди. Аммо ҳаёт олга томон жўшқин ҳаракат қила бориб, тобора янги вазифалар, янги-янги проблемаларни ўртага қўймоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов партия Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумида айтганидек, ана шу проблемаларни ҳал этишнинг тайёр рецептлари йўқ. Марказий Комитет ноябрь Пленумининг якунлари, унда қабул қилинган қарорлар илмий ишларни ташкил этишни янада такомиллаштириш, тадқиқотлар сифати ва самарадорлигини ошириш, жаҳон майдонида идеология кураши кескинлашган бир шароитда жамиятшунос олимларнинг ижодий активлигини, жанговарлигини кучайтириш тўғрисида ҳам жиддий ўйлаш мажбуриятини юклайди.

Предметсиз фан бўлмайди. Фан фактларни ва тарихий далилларни, ҳужжатларни шунчаки йиғиб қолмай, уларни иктимоий ривожланишнинг муҳим масалаларини ўртага қўйиб, ҳал этмоқ учун таҳлил қилади ва умумлаштиради. Фан — шунчаки бир мақсад эмас, балки партия олдимизга қўйётган вазифаларга мувофиқ ҳаётни билиш ҳамда унга муайян мақсадни кўзлаб таъсир ўтказишнинг алоҳида формаси ва воситаси, совет кишиларида коммунистик дунёқарашни камол топтириш воситасидир.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти Украина ва Молдавия филиалларининг директорлари В. И. Юрчук ва А. А. Коренев, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти филиаллари директорларининг ўринбосарлари: Белоруссиядан А. А. Филимонов, Қирғизистондан И. Е. Семенов, Туркманистондан Б. Д. Эльбаум, Эстониядан К. Э. Ингерман, марксизм-ленинизм институти Қозоғистон ва Литва филиалларининг илмий секретарлари Л. Ю. Зайниева ва М. В. Тамошонас, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсупов, Нукус Давлат университети КПСС тарихи кафедрасининг мудири М. Шомамбетов сўзга чиқиб, юбилар коллективини табрикладилар.

Тантанали йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолари Е. А. Айтмуратов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, О. У. Салимов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ VIII ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЯНГИЙЎЛЛИКЛАР ИБРАТИ

ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРГА РАҲБАРЛИК ТАЖРИБАСИДАН

Янгийўл — республикамизнинг саноати юксак даражада ривожланиб бораётган индустриал шаҳарларидан биридир. Бу ерда янги-янги тармоқлар ва қувватларни ишга туширш, ўзлаштириш муносабати билан аҳоли сони тобора кўпайиб борянти. Шаҳар партия комитети меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, кишиларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш масаласига биринчи даражали аҳамият бериб келмоқда. Шаҳар партия ташкилоти корхона, муасаса ва ташкилотларда ёрдамчи хўжалик ташкил этиб, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш борасида ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Айниқса, юбилей йилида бу борада эришилаётган натижалар диққатга сазавор. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган VIII пленумида қилган докладида ҳам янгийўлликларнинг бу борадаги ибратли ишлари ҳақида алоҳида тўхталди.

Равшанки, аҳолини сифатли чорва маҳсулотлари билан таъминлаш СССР Озиқ-овқат программаси бажарилишининг муҳим шартларидан биридир. Мазкур программада қисқа муддатлар бу борада дастлабки натижаларга эришиш, бунинг учун корхона ва ташкилотлар ҳузурида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш вазифаси кўйилган: **«Ёрдамчи қишлоқ хўжаликлари тегишли министрликлар ва идораларга ажратиладиган умумий капитал маблағлар ҳамда моддий техника ресурслари ҳисобига ташкил этилсин ва ривожлантирилсин».**

Шаҳар партия комитети ана шу кўрсатмаларга амал қилиб, бошланғич партия ташкилотлари, барча коммунистларнинг бутун диқкат-эътиборини муҳим резерв — ёрдамчи хўжаликларга тобора ривожлантириш, пировард натижаларнинг самарали бўлишига қаратиб келмоқда. Бу масалалар шаҳар партия комитетининг партия-активи йиғилишларида, бюро мажлисларида кўриб чиқилянти. Чунончи шаҳар партия комитетининг III Пленумида ёрдамчи хўжаликларда маҳсулот етиштириши кўпайтириш масаласи атрофлича муҳокамадан ўтказилиб, моллар туёғини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан конкрет қарорлар қабул қилинди. Шу йили ўтказилган бюро мажлисларида мебелсозлик, пойафзал фабрикаси бошланғич партия ташкилотларининг ёрдамчи хўжаликларга раҳбарлик даражаси таҳлил қилинди. тўпланган тажрибалар умумлаштирилди, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди.

Шаҳар партия комитети ёрдамчи хўжаликларга партиявий раҳбарликни тобора такомиллаштирмоқда. Шаҳар партия комитети ҳузурида тузилган махсус штаб катта ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб бормоқда. Штабга партия, совет активлари, халқ депутатлари, назоратчилар уюшган бўлиб улар чорвачилик фермаларининг қурилиши, ёрдамчи хўжаликларда маҳсулот етиштириш аҳволи, зооветеринария хизматининг йўлга қўйилиши устидан қатъий назорат қилиб бормоқдалар. Шунингдек, штаб йиғилишда ҳар ойда бир марта ёрдамчи хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича план-топшириқларнинг бажарилиши таҳлил қилинмоқда.

Ёрдамчи хўжаликларни равнақ топдиришга қаратилган кенг кўламдаги ташкилотчилик ва сиёсий иш кўтилган натижаларини бер-моқда. Шу кунларда шаҳардаги 32 та корхона ва ташкилот ўз ёрдамчи хўжаликларига эга. Уларда 700 бош қорамол, 5000 бош чўчқа, 65 минг парранда, 15 минг қўён боқилмоқда. Шу йилнинг ўн бир ойи мобайнида 506 тонна гўшт, 1 миллион 200 минг дона тухум тайёрланди. Энг муҳими корхоналарда ҳар бир ишлаган ҳисобига 29 килограммдан гўшт етиштирилди.

Бир қатор бошланғич партия ташкилотлари ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришда ибратли фаолият кўрсатмоқда. 107 автокорхона бошланғич партия ташкилоти шаҳарда биринчи бўлиб «Ҳар бир корхонада — чорва фермаси» шиори остида ташаббус билан чиққанди. Ташкилотчи, ташаббускор коммунистлар ёрдамчи хўжаликка ишга юборилди, чорва бош сонини кўпайтириш ва унинг наслини яхшилаш, ферма қурилиши ишлари пухта назорат қилиб борилди. Натижада корхона фермасида бир йил ичида корамоллар сони 10 бошдан 52 бошга кўпайди. 80 бош корамолга мўлжалланган молхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Сўқимга боқилаётган қорамоллар тўйимли рацион билан озиқлантирилмоқда, уларнинг тирик вазни 360—400 килограммга етказилиб гўштга топширилмоқда. Ўн бир ой ичида корхона ишчиларига арзон нарх билан 4 тонна мол гўшти реализация қилинди.

Ёг-мой комбинатида ташкил қилинган ёрдамчи хўжалик иши ҳам намунали йўлга қўйилган. Корхонада қорамоллар бош сонини кўпайтириш, уларни сўқимга боқишда катта тажриба тўпланган. Молларни боқиш муддатлари кисқартирилмоқда. 100 бошга мўлжалланган молхона қуриб битказилди. Унда 144 бош новвос сўқимга боқилмоқда, улар кунига 700 граммдан семиртирилмоқда. Хозиргача 15 тонна гўшт етиштирилиб, ишчиларга сотилди. Шунингдек, ун заводи «Сельхоздеталь» заводи, шаҳар йўл қурилиши ва ремонти бошқармаларида ҳам ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришда кувончли натижаларга эришилянти.

Мўл ва арзон гўшт етиштиришда корхона ташкилотларда қўёнчиликка ихтисослашган фермалар ташкил қилиш муҳим роль ўйнаянти. Маълумки қўёнчилик, мўйна, арзон парҳез гўшт етиштириш манбаидир. Шаҳардаги ёрдамчи хўжаликларда мингдан зиёд қўён парвариш қилинмоқда. Жумладан учта ўрта ўқув юртида, 13 та ўрта мактабда қўёнчилик фермалари ишлаб турибди. Улар ёрдами билан ҳар ойда шаҳарликларга 4 тонна атрофида парҳез гўшт етказиб берилмоқда.

Саноатлашган шаҳарда ёрдамчи хўжаликларни озуқа билан таъминлаш масаласи қандай ҳал этилмоқда, деган ҳақли савол туғилиши табиий.

Бошланғич партия ташкилотлари барча коммунистларнинг жанговарлик қобилиятини тинмай кучайтириш партиявий-ташкилий ва тарбиявий ишнинг бирлигига эришиш. энг муҳими, омма ташаббускорлигига таяниш ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш, унинг озуқа базасини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Меҳнат коллективларида иқтисод режимини йўлга қўйиш, резервларни қидириб топиш ва ишга солиш юзасидан сафарбарлик ишлари катта самаралар бермоқда. Умумий овқатланиш корхоналари, ишчи ётоқхоналарида, мактаб ошхоналари, турар-жойларда саноат ва озиқ-овқат чиқиндилари сақланадиган махсус яшчиклар ташкил қилинган. Шаҳарда испофгарчилик, хўжасизликка қарши принципиал кураш олиб борилянти. «Лаззат» кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти бу борада катта ташкилотчилик ишларини амалга оширмоқда. Барча умумий овқатланиш тармоқларида нон ва бошқа озиқ-овқат чиқиндиларини асраш-га даъват этувчи шиор, плакатлар кўзга ташланади. Махсус идишларга йиғилган чиқиндилар тўпланиб, ёрдамчи хўжаликларга юборилмоқда.

«Ўроқ» ва «Болга»нинг мустаҳкам иттифоқи шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ёрдам муносабатларини янги куч билан намойиш этмоқда. Янгийўл, Чиноз районларининг қишлоқ меҳнаткашлари, ёрдамчи хўжаликларни ем-ҳашак билан таъминлашда шаҳарликларга катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленумида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда маҳаллий партия, совет ташкилотлари, хўжалик органларининг изчил, принципиал йўл тутишлари таъкидланди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов-ниг Пленумда сўзлаган нутқида Программанинг бажарилишини чўзиб юбормаслик, бу борада сарфланаётган куч-ғайратлар маблағлар бугунок самара берадиган даражада меҳнат қилиш лозимлиги алоҳида уқтирилди. Шаҳар партия комитети ана шу кўрсатмалардан келиб чиқиб, ёрдамчи хўжаликларни янада тараққий этирган ҳолда, шу беш йиллик охиригача қорамоллар сонини 1000 бошга, чўчқалар сонини 7,5 минг бошга, паррандалар сонини 80 минг бошга кўпайтириш юзасидан перспектив планлар белгилади. Бу йилига 600 тонна гўшт, 1,5 миллион дона тухум етиштириш имкониятини беради.

Беш йиллик охирига бориб шаҳардаги ҳар бир саноат корхонаси, ўзининг ёрдамчи хўжалигига эга бўлади. Мисол учун, ёг-мой комбинатига қарашли чорва фермасида 150 бош қорамол парваришланиб, 25 тонна. мебелсозлик корхонасида 26 тонна. «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмасида эса 20 тонна гўшт етиштирилади.

Шаҳар Совети ҳузурида ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини назорат қилиб борувчи жамоатчилик асосида ишлайдиган янги доимий комиссия тузилган бўлиб, у тармоқ қурилишини ишчи кучлари билан таъминлаш, капитал маблағлардан самарали фойдаланиш, объектларни белгиланган муддатларда ишга туширш каби масалалар билан мунтазам шуғулланмоқда.

Янгийўл шаҳар корхона ва ташкилотлари ўз ёрдамчи хўжаликларини ташкил этиш билан бирга колхоз-совхозларга чорвачиликни давр талаби асосида ривожлантиришга бевосита оталик ёрдамини ҳам кучайтирмоқдалар. шаҳар ташкилотларининг оталиқ ёрдами билан Янгийўл, Чиноз районларида чўчқачилик, 7 минг бош бройлерга мўлжалланган ва 6 минг бош товуқ парваришланадиган паррандачилик фермалари қурилмоқда. Шаҳар Совети ижроия комитети. кўп сонли депутатлар, чорвачилик фермалари қурилиши ва озуқа цехларини реконструкция қилиш ва янгиларини қуришга ҳам бевосита раҳбарлик қилиб, чорвачиликни тез суръатлар билан ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Доимий комиссия йиғилишларида, шаҳар Совети сессияларида ёрдамчи хўжаликларга оталик ёрдами кўрсатишни ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилиб турилибди. Шаҳар ижроия комитетининг шу йилнинг ноябрь ойида ўтказилган мажлисида шаҳар мактабларидаги қўёнчилик фермаларида гўшт ва мўйна етиштиришнинг аҳволи муҳокама қилинди. Кейинги сессияда эса ун комбинати маъмуриятининг чорва фермалари қурилиши ва озуқа цехларини реконструкция қилиш ишларига оталик ёрдамини кучайтириш юзасидан амалга оширилаётган ишлари таҳлил қилинди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки Янгийўл районида Ҳ. Турсунқулов номли, «Партия XXI съезди», Чиноз районидаги Энгельс номли колхозларда «Лаззат» кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси, автобаза, металл пластмасса заводларининг ёрдами билан витамин уни тайёрлайдиган агрегатлар, озуқа цехи ремонти қисқа муддатларда сифатли тугалланди.

Шунингдек, шаҳар меҳнаткашлари оталиққа олган колхозларда хлорелла суспензияси тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Ҳаммаси бўлиб жойларда хлорелла тайёрлайдиган 21 та агрегат ишга туширилиши кўзда тутилмоқда. Янгийўл, Чиноз районларидаги Ленин номли, Назарали Ниёзов номли, «Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги», «Москва» колхозларида пахта тозалаш заводи, 2-босмахона, йўл қурилиши ва ремонти бошқармаси коллективларининг ташаббуси билан ана шундай хлорелла суспензияси тайёрлайдиган механизм ва агрегатлар монтаж қилинмоқда. Бу тадбирларнинг ҳаммаси Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажарилишига қўшилган муносиб ҳисса бўлади.

Айни кунларда ёрдамчи хўжаликларда чорва қишлови муваффақиятли ўтяпти. Чорва моллари яхши, зооветеринария қоидалари асосида парвариш қилинмоқда. Янгийўл шаҳри корхона ва ташкилотларидаги ёрдамчи хўжаликларда фаолият юритаётган фидокорлар чорва молларини қишдан тўқ, соғлом ва беталофот бўлиб чиқиши учун, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун бор имкониятларини ишга солиб астойдил кураш олиб бормоқдалар.

С. РЎЗИМАТОВ.
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Дунё овози
Чет эл хабарлари

ПХР СЕЙМИНИНГ СЕССИЯСИ

ВАРШАВА. (ТАСС). Бугун бу ерда ПХР сейминнинг сессияси очилди. Сейм ПХР Давлат Кенгашининг мамлакатда ҳарбий ҳолатни бекор қилишга таллуқли масалаларга оид таклифини, шунингдек бир қанча қонун лойиҳаларини кўриб чиқади.

Давлат Кенгаши тақдим этган ҳарбий ҳолат даврида алоҳида ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этиш тўғрисидаги қонуни ўзгартириш ҳақида ҳарбий ҳолатнинг амал қилиш муддатини бекор қилиш даврида алоҳида ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари дастлабки тарзда ўқиб чиқилди.

ЛОРКИ ЁДГОРЛИГИ

МАДРИД (ТАСС). Демократик Испания фашистлар гражданлар уруши йилларида отиб ўлдирган буюк ватанпарвар шоир Федерико Гарсиа Лорки хотирасини ҳурмат билан эсламоқда. Шоирнинг юрти Гранада депутатлар кенгаши ёдгорлик комплексини барпо этишга қарор қилди. Бу комплексга Гарсия Лоркининг уйи ва унинг номидаги парк ҳам киради. Мажлислар залини қуриш ҳам мўлжалланмоқда. Бу залда Испаниянинг буюк фарзанди ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий ўқишлар, кечалар ўтказиб турилади.



АҚШ маъмурияти қуролланиш пойгасини авж олдириш, ядро урушига тайёргарлик кўриш сари яна бир гоят хавфли қадам қўйди. Президент Р. Рейган конгрессга «МХ» қитъалараро баллистик ядро ракеталари сонини яна 100 тага кўпайтиришга сўз бергалигини маълум қилди. Пентагон «биринчи зарба қуроли» деб атаётган бу янги ракета системаси расмий маълумотларга кўра 1986 йил охирида тайёр бўлиши керак.

Суратда Уилмингтон (Массачусетс штати) заводида «МХ» ракеталарини йиғиш пайти акс эттирилган.

АП-ТАСС телефотоси.

АМАЛИЙ ВИЗИТ БИЛАН

БОННН. (ТАСС). СССР ёшлар ташкилотлари комитети делегацияси Германия социал-демократлар партияси «Ёш социалистлар» ёшлар ташкилотининг таклифига биноан 7 декабрдан 12 декабргача амалий визит билан ГФРда бўлди.

Делегация аъзолари ГСДПнинг таниқли арбоблари Х. Эмке ва К. Д. Фой гдт билан. «Ёш социалистлар» раҳбарлари, ГФР касаба союз арбоблари билан суҳбатлашдилар. Кўплаб ўтказилган учрашувлар, суҳбат ва мунозараларда ҳар иккала мамлакатдаги ёшлар ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик масалалари, тинчлик ва кескинликни юмшатиш проблемалари диққат марказида бўлди. Суҳбатлар давомида қуролсизланиш пойгасига ва «совуқ уруш» даврига қайтишга қарши, тинчлик ва қуролсизланиш учун кураш ҳозирги замоннинг энг муҳим вазифаси эканлиги таъкидлаб ўтилди.

«Ёш социалистлар»нинг федерал раиси Р. Хартунг ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: «Бизнинг суҳбатларимизда кескинликни юмшатишга ураниш давом эттирилиши кераклигини ҳар иккала томон тушуниб олганлигини мен айниқса қайд қилиб ўтишни истар эдим».

У Ленин комсомоли билан «Ёш социалистлар» ўртасида ҳамкорлик муваффақиятли равишда ривожланаётганлигини уқтириб ўтди.

ДАККАДА МИТИНГ

ДАККА. Бангладеш пойтахтининг энг катта залларидан бири — «Шишу академи»да жамоатчиликнинг тинчлик учун курашни қўллаб-қувватлашга бағишланган оммавий митинги бўлиб ўтди. Бангладеш тинчлик кенгаши уюштирган митингда сўзга чиққан нотиқлар уруш хавфини тугатиш, халқаро кескинликни юмшатиш сиёсатини давом эттириш учун курашда барча тинчликсевар кучларнинг жипслигини зарурлигини таъкидладилар. Улар СССРнинг тинчликсевар ташқи сиёсатига, айниқса Совет Иттифоқининг биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик тўғрисида ўз ташаббуси билан олган мажбуриятига юқори баҳо бердилар.

Митингда Бангладеш тинчлик кенгашининг таклифига биноан тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитети Раисининг ўринбосари М. А. Зойдов бошчилигида бу ерда меҳмон бўлиб турган комитет делегацияси қатнашди.

(ТАСС).

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

✦ ПРАГА. Мингга яқин ишчи ва ишчилар, ташкилот, социалистик меҳнат бригадаси Чехословакия — Совет дўстлигининг «Олтин китобига» ёзиб қўйилди. Прагада очилган Чехословакия—Совет дўстлиги иттифоқининг IX съездида республика меҳнат зафарларининг ана шу йилномаси совет делегациясига топширилди.

«Олтин китобга» мамлакатнинг совет буюртмаларини муваффақиятли бажариб, ўз муддатида етказиб берган, совет тажрибасидан кенг ва ижодий тарзда фойдаланган, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, ёқилғи, энергия ва хом ашёни тежаш ишида катта муваффақиятларга эришган энг катта корхоналар ёзилди. Чехословакия металлургларги, шахтёрлари, темирйўлчилари, олимлари Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

✦ АДАН. Мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш регионда хавфсизликни, барқарорликни ва тинчликни таъминлашнинг энг муҳим шартларидан биридир, деди ЯХДР олий халқ кенгаши президиумининг раиси, бош министри Али Носир Муҳаммад. У қўмондонлик состави кенгашининг қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлаб, жанговар тайёргарлик даражасини ошириш, қўшинлар орасида сиёсий-партиявий ишни активлаштириш, армиянинг меҳнаткашлар оммаси билан алоқасини мустаҳкамлаш зарурлигини уқтириб ўтди

✦ НЬЮ-ЙОРК. АҚШ автомобилсозлик саноатида аянчли аҳвол вужудга келди. ЮПИ информация агентлигининг АҚШдаги етакчи автомобиль корпорацияларининг маълумотларига таяниб хабар қилишича, ўтган ҳафтада ишсиз автомобилсозлар 265 минг кишига етган.

Автомобилсозлик саноатида ишсизликнинг кескин кўпайиши — АҚШ экономикасидаги чуқур танглик оқибатидир. «Бизнес уик» журналининг хабарига кўра, мамлакатда автомобил ишлаб чиқариш 1967 йилга нисбатан ҳозир қариб икки баравар камайган.

✦ КОБУЛ. Мозори Шариф шаҳрида иш кўраётган аксилинқилобчиларни қуролсизлантириш борасида АДР қуролли қучлари муваффақиятли операция ўтказдилар. БАХТА агентлиги хабар қилишича, аҳолига жабр-зулм қилаётган бандитлардан кўплаб миқдорда қурол-яроғ, ҳарбий анжомлар, кўпорувчилик руҳидаги адабиётлар тортиб олинди.

✦ ИСЛОМОБОД. Покистонлик таниқли юристлар ва сиёсий партияларнинг раҳбарларидан турмага ташланган бир группаси очлик забастовкаси эълон қилди. «Муслим» газетасининг хабарига кўра, улар мамлакатдаги ҳарбий ҳолат бекор қилинишини ҳамда ялпи сайлов ўтказилишини талаб этмоқдалар.

✦ ТОКИО. Япония ҳукмрон доираларининг АҚШнинг фалокатли ядро стратегиясини қўллаб-қувватлаш борасидаги сиёсати Япония хавфсизлиги учун жиддий тахдиддир. Япония тараққийпарвар олимларининг бу ерда бўлиб ўтган симпозиумида сўзга чиққан профессор С. Мияхара шу ҳақда гапирди.

Олим ўзининг «Ядро қуроли ва ядро уруши» мавзуидаги докладида АҚШ президенти Рейган эълон қилган «чекланган» ядро уруши деб аталувчи доктринани кескин танқид қилди. Симпозиум бошқа қатнашчиларининг нутқларида либерал демократлар ҳукуматидан Вашингтоннинг ҳатарли ниятларини рағбатлантириш сиёсатидан воз кечиш ҳамда Осиё ва бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ишига ижобий ҳисса бўлиб қўшилувчи бетараф ташқи сиёсат ўтказиш қатъий талаб этилди.

✦ ЛАГОС. Нигерия федерал ҳукуматининг вазифаси мамлакат озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз-ўзини тўла таъминлашига эришишдан иборатдир, деди Нигерия ҳукмрон миллий партиясининг миллий раиси А. Акинлойе ана шу партиян

С. П. БОРОДИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

УЛКАН АДИБ

Бақтиянг шиддаткорлигини қаранг. Сергей Петрович Бородин туғилган куннинг етмиш йиллиги худди кечагина нишонланганга ўхшайди. 1972 йилнинг сентябри — ўша ҳаяжонли, унутилмас дамлар шундоққина кўз олдимда турибди. Улкан адибимизнинг юбилейига бағишланган тантанали кеча Алишер Навоий номидаги катта опера ва балет театрида ўтганди. Бутун зал гўё гулларга бурканган. Одамларнинг чеҳрасида ажиб бир хушнудлик. Бошқалар билан ёнма-ён ўтирган Сергей Петровичга боқаман. Гарчи у бундай тантаналарда илк марта қатнашаётган бўлмасада, ҳозир унинг ҳаяжонланаётгани, қувончдан энтикаётганини пайқаш қийин эмасди. Яқинда оғир касалликни бошидан кечиргани, эндигина қувватга кириб, қайта дўстлар даврасида ўтириши эканини билардим. У нотиқларнинг сўзини бутун вужуди билан тинглаб, гоҳ президиумда ўтирганларга, гоҳ залдагиларга нигоҳ ташлайди. Ана шу қарашларда адибнинг қаламкаш дўстлари, калбига яқин ўқувчиларига бўлган беқиёс миннатдорчилигини ўқиш қийин эмасди.

Сергей Петровича ўхшаган кўпни кўрган, юртни кезиб, кишиларнинг қалбига йўл топиш санъатини ўзлаштирган кишиларнинг дилида нелар кечаётгани, ўзини шунчалик иззат-икром қилган кишиларга бўлган беқиёс ҳурматини оддий қарашларидан, майин табассумларидан билиб олиш жуда осон. Адибнинг кўлини кўксига қўйиб, табриклаган кишиларга миннатдорчилик билдирганидаги жилмайишларидан унинг бутун самимиятини кўриб турарди.

Мана, шунга ҳам ўн йил бўлибди. Тутқич бермас вақтнинг ўтгани сайин оддий хотиралар, учрашувлар тарихга айланиб, сени қайта-қайта ўша кунларни эслашга, ўша суҳбатларнинг маъзини чақишга ундайди. Мен Сергей Петрович билан бўлган учрашувлар ва суҳбатларни эслаб, бир пайтлар оддий бир китобхон сифатида ўқиганим асарларини қайта-қайта варақласам, унинг буюклиги, такрорланмас сўз санъаткори эканлиги бутун борлиғи билан намоён бўла бошлайди.

Ҳа, бугун туғилган кунига саксон йил тўлиши нишонланаётган буюк адиб жуда катта ижодий йўлни босиб ўтди, тинимсиз изланиш ва меҳнат туфайли элга танилди. Сергей Петрович Бородининг адабий фаолияти жуда эрта бошланди. 1915 йилдаёқ дастлабки ҳикоялари эълон қилиниб, ўз ўқувчиларини топа бошлади. Ана шу даврдан бутун ҳаёти ижодий изланиш, рус совет адабиётининг равнақи йўли билан чамбарчас боғланди.

1922—1925 йилларда В. Брюсов номидаги олий бадиий адабиёт институтида таҳсил кўрган йиллари Сергей Петрович адабиётнинг заҳматларини қалбан ҳис этди ва шу қийинчиликларга бардош беришга, бутун оғли ҳаётини адабиётга бахш этишга аҳд қилди.

Адибнинг дастлабки йирик асарлари — «Сўнгги Бухоро» ва «Мисрлик» романлари икки томонлама эзилган, жабр-зулум исканжасида ҳаётнинг бутун уқубатларини бошидан кечирган халқнинг маънавий дунёсини очишга бағишланган.

Дастлабки асарлари билан кўпчиликнинг эътиборини тортган ёзувчини кўпроқ тарихий воқеалар қизиқтиради. Лекин халқларнинг асрий орзу-умидлари, кураш ва натижаларини бор ҳақиқати билан тасвирлаш учун ёзувчи тарихни яхши билиши, халқларнинг ҳаётини чуқур ўрганиши лозимлигини у ҳис этади.

Айниқса, «Дмитрий Донской» романи устидаги изланишлар ёзувчига ўзига хос дорилфунун бўлди. У тарихий мавзудаги романни ёзишга киришишдан олдин кўҳна Руснинг ўрта асрлардаги турмуши ҳақида бой маълумот берадиган, халқнинг ўша замондаги ҳаёт тарзи ҳақида ҳикоя қилувчи ёдгорликларга бой бўлган Шимолий Россияга йўл олади. Узоқ вақт шаҳар ва қишлоқларни кезиб, ташландиқ ҳолга келган черковларда бўлди, маҳаллий халқ билан учрашиб, улардан жуда кўп ривоят ва афсоналар эшитди. Дмитрий Донской ҳукмронлик қилган даврга хос қалъа ва шаҳарларни алоҳида синчиклаб ўрганди. Саркарда татарларга қарши юришга тайёргарлик кўрган унутилмас жойларда бўлди. Буларнинг ҳаммаси «Дмитрий Донской» романини ёзишга дадил киришиш ва иштиёқ билан ишлашда ёзувчига қулай имкон берди. Шу туфайли роман тўқиз ой деганда ёзиб тугалланди ва Улуғ Ватан уруши бошланган кунларда босилиб чиқди.

Ўзига катта шуҳрат келтирган бу асарда ёзувчи рус халқининг озодлик, ўз ватанига муҳаббат, босқинчиларга нисбатан каҳр-газаб туйғусини катта бадиий куч ва истеъдод билан тасвирлаган. Шу боисдан ҳам «Дмитрий Донской» совет адабиётининг бошқа энг яхши асарлари сафидан ўрин олди ва 1942 йилда СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. Москвадаги давлат адабиёт музейининг китоб фондида ушбу романнинг биринчи нашри ноёб нашрлар ва автографли китоблар қаторида сақланиши. Сергей Петровичнинг адабиётдаги ўрнини белгидашда ўзига хос мезон бўлган романининг аҳамияти нақадар катта эканлигини белгилайди.

1950 йилда Сергей Петрович Бородин ёшликдан ўзини мафтун этган, бой бадиий материал берган ўлка — Ўрта Осиёга келади ва ўз тақдирини бир умрга Ўзбекистон билан боғлади. Ёзувчининг қуёшли республикамизда яшаган даври ижодининг барқ уриб гуллаб-яшнаган ва адабиётимизнинг олтин фондига қўшилган асарларини ижод этган даври бўлди. Ўни даставвал афсонавий, ҳаёти қарама-қаршиликларга тўла, ўрта аср Шарқининг тарихий фигураси бўлмиш Темир образини яратиш қизиқтиради. Тўғрироғи ана шу образ орқали Ўрта Осиё халқларининг ўтмиш ҳаётини саҳифаларга кўчиришга аҳд қилади. Яна изланишлар, қўҳна тарихни варақлаш, даврлар ўтиши билан эринмасдан ўрганиш бошланди. Темур юрган йўллардан борган ёзувчи Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Хатто Эрон, Сурия, Афғонистон ва Ироқда бўлди. Биргина Туркияга беш маротаба боришига тўғри келди. Йиллар йилларга уланди, лекин ёзувчи изланишлардан тўхтамади. Тарих солномасига кирган киргин урушлар бўлиб ўтган, шаҳарлардан қўлтепалар қолган гўшаларда пойи-пиёда юрди. Фақат шугина эмас, Совет Иттифоқи кутубхоналаридаги архивларни эринмай ўрганди. Римдаги Ватикон кутубхонасида, Мисрдаги Қоҳира — Аль-Асхар китоб фондида, Тунисдаги университет кутубхонаси ҳамда Анқарадаги энг бой тарихий китоблар сақланадиган марказда эринмасдан ўтирди. Ҳар бир воқеа, тарихий маълумотларга синчковлик билан ёндошди. Шундай қилиб, узоқ ўтмиш — ўн тўртинчи аср ҳаётига оид материалларни мисоллаб тўплади. Заргар олтиннинг ҳар бир заррасига қадр-қиммат билан қараганидек, Сергей Петрович тарихнинг сочилиб кетган ноёб саҳифаларини қалб қўри, кўз нури билан бир-бирига яқинлаштириш, ўтмиш авлодлар ҳаёт ҳақиқатини бугунги кун ўқувчилари кўз олдига бутун борлиғи билан келтириш учун кунлар эмас, ойлар ва йиллар тунларини бедор ўтказиб ишлади.

Сергей Петрович воқеаларга ёзувчи сифатидагина эмас, тарихчи, файласуф олим кўзи билан ҳам ёндошди. Ана шу изланишлар, беқиёс меҳнатлар меваси ўлароқ темурийлар сулоласи ҳақида бой материал берадиган ўлмас асар майдонга келди. Эндиликда «Самарқанд осмонида юлдузлар» романи фақат ўзбек адабиётидагина эмас, балки совет адабиётининг ҳам ўлмас асарларидан бири ҳисобланади. Шундай асарни яратиш учун ёзувчи қанча машаққат тортиб, меҳнат қилган бўлса, ана шу меҳнатлари эвазига романи ҳам унга катта шуҳрат келтирди.

Юқорида эслатганимиздек Сергей Петрович янги асар ўстида иш бошлашдан олдин, қаҳрамонлари яшаган даврга, одамларнинг турмуш тарзи, тарихий жараёнларни ўрганиш учун жуда кўп вақт сарфларди. Шу боисдан ҳам адабий танқидчилик унинг асарларида давр нафаси, ҳаёт ҳақиқати ўзлигича акс этганлигини эътироф этишарди. Бу ҳам ёзувчининг ўзига хос истеъдоди, новаторлигининг белгиси ҳисобланади.

Ажойиб истеъдодли ёзувчи, меҳнаткаш инсон ва ташкилотчи коммунистнинг яна бир фазилати ҳақида алоҳида тўхталишга тўғри келади. Сергей Петрович тез-тез ижодий сафарларга йўл олиши, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи мажлис ва йиғилишларига бўлиши, республика Олий Советининг депутати сифатида катта ва жиддий ишлар олиб бориш билан банд бўлишига қарамасдан, ёш ёзувчиларнинг кўл ёзмаларини ўқиш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш ва қимматли маслаҳатлар беришга ҳамиша вақт топарди. Ёшларга нисбатан ҳар қанча хайрихоҳ бўлмасин, шунчалик талабчан ҳам эди. Ҳеч қачон бадиий асарга нисбатан кўнгилчанлик қилиш, ёш ёзувчиларга «раҳимдиллик» кўрсатиш унинг характерига тўғри келмасди. Сергей Петровичнинг ана шу инсоний фазилатидан баҳраманд бўлган қанча ёшлар адабиётга кириб келишди.

Адибнинг Тошкент шаҳрининг Оржоникидзе кўчасида жойлашган уйининг эшиги бошловчи ёзувчилар учун ҳамиша очиқ эди. Сергей Петровичнинг оталарча маслаҳатлари ва йўл-йўриқларига ташна ёшлар бу даргоҳга ҳеч иккиланмай кириб келишарди.

Мана, энди у орамизда йўқ. Унинг нур ёғилиб турадиган, чеҳрасини кўрмаймиз. Бироқ ёзувчининг қалб ҳарорати, оташли нафаси ҳар бир сатридан жо бўлган китоблари бизнинг қўлимизда. Демак, у ҳамиша биз билан. Ахир асарлари бир-бирига боғлаган, авлод-аждодларимизнинг оҳ-фиғонларини қулоғимиз остида қайта жаранглатиб, уларнинг ўз бахтлари учун курашларини, орзу-умидларини кўз олдимизда гавдалантирган, ўтмиш тарих билан бугунни боғлаб, шу кунларни деб одамлар не жафоларни чеккани ҳақида донишмандона ўгит берган ёзувчини орамизда йўқ деб ўйладимми?! Бизга қолдирган бебаҳо китоблари билан Сергей Петрович ҳамиша ёнимизда, биз билан баробар қадам ташлайди.

А. БАУЭР,
«Звезда Востока» журналининг бўлим мудири.

СПОРТ

✦ ГИМНАСТИКА

ТЎРТИНЧИ ЎРИН

Таллинда «Спордилехт» газетаси соврини учун спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақаси ниҳоясига етди. Ўн тўққизинчи бор бўлган мазкур биринчиликда фахрий соврин учун мамлакатимизнинг 17 шаҳридан 40 нафар қиз голиблик учун баҳс юритишди.

Мусобақа давомида кўплаб иштирокчилар ўз маҳоратлари ошиб бораётганлигини намойиш этдилар. Уларнинг кўпчилиги мураккаб машқларни яхши бажариб, томошабинлар эътиборини қозонишди. Айниқса, мутахассислар республикамиз вакили — фарғоналик Гули Эшмуҳамедованинг чиқишини мароқ билан кузатишди. Гули эркин машқ бажаришда юксак маҳорат кўрсатиб, тўртинчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, минсклик Света Богинская, львовлик Лена Крижановская, қаунаслик Т. Демидова, таллинлик С. Макаричевалар ҳам машқларни маҳорат билан бажариб, томошабинлар олқишига сазовор бўлишди.

✦ ТЕННИС

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Маълумки яқинда Москвада стол тенниси бўйича «Советская культура» газетаси соврини учун халқаро турнир бўлиб ўтганди. Бунда тошкентлик Европа чемпиони Флюра Булатова муваффақиятли қатнашиб, СССР-2 терма командасининг голиб чиқишига ўзининг муносиб улушини қўшган эди.

Куни кеча хотин-қизлар ўртасида шахсий турнир бўлиб ўтди. Бу сафар СССР-1 командаси иккинчи терма командадан «ўчини» олишга эришди. Чунончи В. Попова ярим финалда республикамиз вакили Ф. Булатовани мағлубиятга учратди. Н. Антонян эса И. Коваленкони енгди. Бундан ташқари Попова ва Антонянлар финалда Коваленко — Булатова билан бўлган учрашувни ҳам ўз фойдаларига ҳал этишди.

Мамлакатимиз спортчилари барча жуфт бўлиб мусобақалашишда ғалаба қозонишди. Жумладан эркаклар ўртасида М. Овчаров ва А. Строкотов биринчи ўринни эгаллашди.

✦ ДЗЮ-ДО

СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Курашнинг дзю-до тури бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақаси томошабинларда яхши таассурот қолдирди. Луцкдаги беллашувлар давомида 17 команда сафида 200 нафар спортчи иштирок этди.

Умуман ҳар бир вазн категориясидаги беллашувлар қизғин спорт курашлари остида ўтди. Бунда ёшлар чаққонлик ва эпчиллик бобида тажрибали спортчилардан қолишмасликка ҳаракат қилдилар. Бу ўз навбатида мусобақанинг муросасиз курашлар остида ўтишига олиб келди.

Бутуниттифоқ биринчилигида республикамиз вакилларидан уч нафари соврини ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Чунончи армиячи А. Глазунов, «Динамо» жамияти аъзоси А. Пармузин ва А. Храмцовскийлар ўз вазнлари бўйича ҳурмат шохсупасининг учинчи поғонасини банд этишди.

Ўзбекистон терма командаси умумкоманда ҳисобида бешинчи ўринни қўлга киритди.

Редактор ўринбосари
Н. ЕҚУБОВ.

«ЧЎЛ ВА ОДАМЛАР»

Кўпинча шундай бўлади: қўлингизга бирор асар тушиб қолганда уни сал бошласангиз кифоя, воқеаларнинг ривожига қизиққанингиздан қандай ўқиб бўлганингизни билмай қоласиз. Бундай ўзига тортар китобларни ўқиганда ёзувчининг маҳоратига тан берасиз. Лекин китоб автори профессионал ёзувчи эмас, ишлаб чиқаришнинг бевосита вакили бўлса, айни пайтда у аниқ ҳужжатли воқеалар асосида ёзилган бўлса, бундай китобларга қандай баҳо берилади? Бошқаларга қандай билмадикку, аммо биз чўлқуварларнинг қизиқарли ҳаётидан ёзилган қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Нормурод Холмуродовнинг «Чўл ва одамлар» деган китобини, юқорида айтганимиздек, бир нўриндаёқ ўқиб чиқдик. Мазкур китоб шу йил «Ўзбекистон» қаширётида босилиб чиқди.

Хўш, китобнинг мароқли ва равон бўлишига қай тарзда эришилган? Бунинг бир қатор омиллари бор. Даставвал шуни айтиш керакки, у содда, деҳқон тилида ёзилган. Бундан ташқари автор чўлқуварлар ҳаётининг характерли ва айни пайтда қизиқарли жиҳатларининг билимдони сифатида фикр юритади. Назаримизда, энг муҳим омили шуки, китоб Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асари руҳида ёзилган. Ҳақиқатан ҳам, Леонид Ильичнинг ушбу публицистик асаридан ҳар қанча ўрганса арзийди. Мирзачўл ва Жиззах чўларини ўзлаштиришда катта тажриба тўплаган Нормурод Холмуродов бу борада тақлидчилик йўлидан бормайди, балки ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни қалб призмасидан ўтказиб, ширали тилда ҳикоя қилиб беради.

Автор китобнинг яратилиш сабабини шундай изоҳлайди: «1981 йилнинг ёзида Жиззах шаҳрида Жиззах чўли ўзлаштирила бошлаганининг 25 йиллигига бағишлаб катта анжуман ўтказилди. Анжуманда чўлқуварлар шаънига олқишлар айтилди, яхши истаклар билдирилди. Шунда нотиқлардан бири чўл сийнасини мўл ҳосил хазинасига айлантирган кишиларнинг тажрибасини оммалаштириш, уларнинг қаҳрамонона ишларини келажак авлодларга етказиш лозим, деб ҳақ гапни айтди. Бу ҳақ гап қўлга қалам олишга ундайди. Чўл, пахта ва одамлар ҳақида билганларингни, чўлқуварликдан орттирган тажрибаларингни ҳикоя қилишга чорланди». Дарҳақиқат, Нормурод Холмуродов чўлқуварларнинг шонли отрядига мансуб бўлиб, у ҳақда ўз вақтида «Правда» газетаси ҳам ёзганди. Китоб автори ўз ниятига эришиб, чўл ўзлаштирилишининг тарихини яратиш ишига муносиб ҳисса қўшган. Лекин унинг хизмати шу билан чекланмайди. Автор қўрқ қийинчиликларини енгишда дуч келган муаммоларни тилга олиш билан бугун ва эртага ҳам ана шу сабоқлардан хулоса чиқаришга ундайди. Бу эса китобнинг фазилатини, қадрини янада оширади.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Гап шундаки, Нормурод Холмуродов кўрган-билганларини бир бошидан гапириб кетавермайди. Балки ҳар бир ҳолат, ҳар бир воқеадан ўзига яраша мазмун излайди. У кейинги йилларда эришилган муваффақиятларни қувонч билан тилга олиб, хато ва нуқсонлардан ҳам кўз юмиб кетмайди. «...Ҳамма жойда ва ҳар доим ишлар ҳаминдан қил суғургандек силлиқ боргани йўқ, албатта, — дейди, автор. Хатоларга, камчиликларга йўл қўйилган, гоҳида суиистеъмолчиликка йўл қўйилган ҳоллар ҳам бўлди». Автор шу фикрига мисол қилиб агроном ва бригадирнинг тортишувини келтиради. Шу муносабат билан ўз фикрини баён қилади: «...қишлоқ хўжалигида химиявий моддаларни билиббилмай ишлатиш, табиий шароитни ҳисобга олмаслик тузатиб бўлмас хатоликларга олиб келади». Н. Холмуродов бундай хулоса чиқаришига сабаб фақат унинг агрономлиги эмас, айни пайтда у «Ғўзани ҳар хил ўғитлар билан эрта озиқлантириш» деган мавзуда кандидатлик диссертациясини ҳам ҳимоя қилган. Умуман автор китобда тупроқни муҳофаза қилиш бўйича қатор мулоҳазаларни баён этадики, улар ҳам ўқувчининг эътиборини жалб этмай қолмайди.

Мирзачўл ва Жиззах чўлларини ўзлаштиришда чўлқуварларнинг катта отряди етишиб чиқди. Н. Холмуродов ўз ҳаёт йўлини, чўлга тақдирини боғлаган одамларни самимийлик билан тилга олади. Булар орасида ҳаммага таниқли чўлқуварлар— Т. Боймиров, Қ. Аҳмедов, М. Дадажонов, В. А. Духовний, В. Насриддинов, А. Сойибназаров, Р. Ҳусанов, Е. Н. Кондручин, М. Умрзоқов, Н. Нуриддинов ва бошқалар бор.

Одамларнинг характерларини чизишда автор қаҳрамон характеридаги энг типик хусусиятни бера олади. Бу айниқса ўша кишининг ишга муносабати фонида очила боради. Китобда чўлда йирик-йирик хўжаликларни бошқарган раҳбарларнинг иш услуби ва инсоний фазилатларини очишга қаратилган ўринлар мароқли ўқилади. Жумладан, Ленин номли совхоз директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Дадажонов ҳақида кўплаб очерклар ёзилган. Лекин Н. Холмуродов унинг моҳир пахтакор эканлигини биргина эпизодда ҳам лўндагина кўрсата олган.

Автор атрофидаги одамларнинг ўз ҳаётига кўрсатган самарали таъсирини ўрни-ўрни билан тилга олиб, улардан кўп нарсалар ўрганганлигини эътироф этади: «Районимиздаги совхозларнинг раҳбарлари... чўл қозонида қайнаб чиққан кишилар эдилар. Уларнинг ҳар бирида ўрганса, ўрнак олса арзийдиган фазилатлар кўп эди. Масалан, мен Мамажон акадан кишиларни уюштириш маҳоратини, техникани авайлаб-асраб сақлашни ва ишлатишни ўрганган бўлсам, Мурод Ўроловдан мелиорация сирларини ўргандим».

«Чўл ва одамлар» китоби чўлни ўзлаштириш тарихини яратишдек эзгу ишга қўшилган муҳим ҳиссадир. Ҳеч шубҳа йўкки, чўлқуварларнинг қайноқ ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи янги саҳифалар ҳали кўплаб яратилади.

Ш. ЖАББОРОВ,
Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

Биргалашиб қўшиқ куйлаймиз.
М. Нуриддинов фотоэтюди.

«ҲОСИЛ БАЙРАМИ» АРАФАСИДА

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИ ЧОРЛАМОҚДА

Республикамиз пойтахтида анъанавий «Ҳосил байрами»ни ўтказишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бу йилги байрам СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейига бағишланади. Тошкент отчопарининг ҳар қачонгидан гаваждумлашишига саноқли кунлар қолди. Дам олиш куни бу ерга республикамизнинг турли областларидан меҳмонлар ташриф буюрадилар. Она-Ватанга 6 миллион тонналик дурдона етказиб берган марди-майдон пахтакорлар, галлакор-у соҳибкорлар, ишлаб чиқариш илғорлари-ю, социалистик мусобақа ғолиблари меҳнат завқидан яна бир бор баҳраманд бўлгани тўпланадилар, ўзаро гурунглашадилар.

Байрам программаси ранг-баранг қилиб тузилган. Бу ерга келганларнинг дам олишлари учун ҳамма шароитлар яратилди. Чавандозлик сайили байрам программасининг асосий қисмини ташкил этади. Меҳмонлар, шаҳарлик муҳлислар аргумоқларини қишнатиб турган чавандозларнинг ўйинларини томоша қиладилар. «Улоқ», «Қиз қувмоқ» отда чавгон ва баскетбол ўйнаш каби миллий чавандозлик ўйинларини кўрадилар. Гимнастикачиларнинг кўргазмали чиқишлари уюштирилади. Полвонларнинг қизғин беллашувлари ўтказилади. Спорт мусобақалари автопойга, мотопойга бахслари, парашютдан сакраш каби қизиқарли томошалар билан ниҳоясига етади.

«Ҳосил байрами» 19—20 декабрга мўлжалланган бўлиб, байрам тантаналари кунларида озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва саноат моллари билан савдо қилиш ярмаркаси уюштирилади. Моҳир пазандалар ўз санъатларини намойиш этиб хўрандаларни хушнуд этишга шай бўлиб туришибди. Маданий хизмат кўрсатиш ҳам намунали бўлади. Санъаткорлар, ҳаваскорлик коллективларининг чиқишлари уюштирилади.

«Ҳосил байрами»га тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилот комитети ҳур республикалар ташкил топганлигининг шонли юбилейига бағишланган ўзига хос аём тантаналарини мароқли ва мазмунли бўлишига эътибор қилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

МАКЕДОНИЯДА ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ АНТОЛОГИЯСИ НАШР ЭТИЛДИ

Республика нашриётлари билан Югославия нашриётлари ўртасида Македонияда ўзбек поэзияси антологияси ва Ўзбекистонда Македония поэзияси антологиясини нашр этиш тўғрисида шартнома имзоланди.

Ўзбек шеърият антологияси Навоий шеърлари билан бошланади. Китобда Ойбек, Ҳамид Олимжоннинг адабий мероси тақдим этилган. Югославиялик китобхонлар Зулфия, Р. Бобожонов, Э. Воҳидов, Г. Нурулаева, А. Орипов, Ҳ. Ҳудойбердиева ва бошқа ўзбек шоирларининг асарлари билан танишишлари мумкин.

«Мусаффо дарё» деб аталган бу тўплам келгуси йил ёзида босмадан чиқарилади. Асарни «Культурен живот» (Маданий ҳаёт) нашриёти чоп этади. Ўзбек шеърияти антологиясини Любчо Стойменск тузган ва таржима қилган. У ўз ватандошларини бундан анча илгари совет шеърияти билан таништирган эди. Югославиялик адиб Тошкентда бўлиб, ўзбек ҳамкасбларини ўз иши билан таништирди.

Ҳозирги пайтда Ғафур Ғулом номли бадиий адабиёт нашриёти Македония шеърияти антологиясини босмага тайёрламоқда. Югославия республикаларидан бири адибларининг китоби мазкур мамлакат ёзувчилари асарларининг ўз бек тилида нашр этилишига йўл очиб беради.

(ЎзТАГ).

ҲАР ТЎҒРИДА

АСРЛАР ҚАЪРИДАН

Махсус инженерлик командалари, гаввос ва археологлар группалари Пие-Солент бўғозида Британия қироли Генрих VIII флотининг собиқ етакчи кемаси — «Мэри Роз» галионни сув остидан чиқариш ишларини тугаллади.

Елканли кема қариб 437 йил денгиз тубида, яъни 15 метрга яқин чуқурликда ётди. Унинг корпуси қалин лой қатлами остида қолганди. Бу ўзига хос «совут» ролини ўйнади. Ана шу «совут» туфайли кемадан чиқан 17 минтта буюмлар яхши сақланган. Улар орасида денгизчилар ва солдатларнинг қийимлари, анжомлари, қуроллар, навигация асбоблари, медицина инструментлари бор. Экспертлар томонидан ҳарбий камонлар тек ширириб кўрилганда улар ўзларининг эгилувчанлигини ҳали ҳам йўқотмаганлигини ва ҳозирги кунда ҳам фойдаланишга яроқли эканлигини кўрсатди.

«Мэри Роз»ни кўтариб чиқариш иши инженерлик жиҳатидан ниҳоятда қаровсиз бўлди. Сув сиғими 600 тонна бўлган бу кема сув тубида кўтарилиб, пўлат таянчларга жойлаштирилди, кейин махсус «беланчак»ка ўтказилди. «Беланчак» улкан сузиб юрувчи ҳавоза ёрдамида сув юзасидан кўтариб чиқарилди.

Инглиз археологлари тоғ пилдиққа махсус состав билан ишлов бериш, сўнгра уни музейга айлантиришни мўлжаллаяптилар. (ТАСС).

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

ПАЙШАНБА

16 ДЕКАБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Горничилар, қаердасиз!» 10.25 Экранда — кинокомедия. «Қадимий водевиль». Бадиий фильм.
11.30 А. Скрябин. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун концерт.
12.00 «Инсон ва робот». Илмий-оммабоп фильм.
12.45 Л. Липницкий ва А. Гур баяничилар дуэти чалади. Харьковдан олиб кўрсатилади.
13.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРИ:
«Пахтанинг узун йўли».
«Куз кунининг хроникаси».
«Мўъжиза — бошланиши».
16.10 «Поэзия» Рафаэль Альберти.
17.00 Телевизион очерк.
17.45 «Духовой оркестр чалади». Телевизион кўрик-конкурс. Москва шаҳар автокорхоналарининг йиғма духовой оркестри ижро этади.
18.15 «Оддий мўъжизалар».
18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Тежамкорлик — ҳозирги босқичда хўжаликни юритиш методи сифатида».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Биз БАМни қуряпмиз».
20.00 Қирғизистон ССР бадиий коллективларининг концерти.
20.25 «Чорраҳада». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
21.30 «Время».
Спорт программаси
22.00 «Известия» газетасининг соврини учун хоккей бўйича халқаро турнир. ЧССР—Швеция терма командалари. 2- ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади.
20.15 «Болоньялик Аристотель». Илмий-оммабоп фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Хатларингиз асосида». Музикали кўрсатув.
21.30 «Время».
22.00 «Ўз ерингга». Телевизион бадиий фильм.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Узбекистон ССР тарихи. Узбекистон XI беш йиллиқда [рус.].
12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гунчалари».
12.30 Узбекистон ССР тарихи. Узбекистон XI беш йиллиқда.
13.00 «Красносельск заргарлари». Телефильм.
13.10 Физика. Электр майдони.
13.40 «Замандас». Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун кўрсатув [қозоқ тилида].

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Малика Нота». Мультфильм.
18.20 «Шоирлар — болаларга». Ғайратий туғилган куннинг 80 йиллигига.
19.00 «Дебют». Телефильм.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Яхши умидлар майдони». Ҳужжатли фильм премьераси [«Узбектелефильм»].
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.50 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Деҳқонларимиз жасоратини шарафлаймиз». Кўрсатувда Узбекистон Компартияси Бухоро область комитетининг биринчи секретари А. Каримов иштирок этади.
21.30 Москва. «Время».
22.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Деҳқонларимиз жасоратини шарафлаймиз». Бухоро область қишлоқ хўжалиги илғорларига бағишланган кўрсатувнинг давоми.
23.15 Янгиликлар.

«КИШЛОК ҲАКИКАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Р. — 13675.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41* ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўрин босарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретари — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-33-81-42, 56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543. А. 1187.